БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 15
28 ФЕВРАЛЬ
ЯКШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭКОНОМИКАСИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЗУР БЕРИБ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН, ХАЛҚНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТУХТОВСИЗ ОШИРИШ УЧУН ЖУДА КАТТА, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ БИТМАС-ТУГАНМАС ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ БУНДАН БУЕН ҲАМ ҲАРТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИНИ, МАМЛАКАТДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУЧЛАРИНИНГ ТУХТОВСИЗ ВА ТЕЗ РИВОЖЛАНИШИНИ ТА'МИНЛАШ УЧУН АНА ШУ ИМКОНИЯТЛАРДАН ТУЛА ФОЙДАЛАНИШНИ УЗИНИНГ АСОСИЙ ВА ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатидан).

Қишлоқ кутубхонаси

Бизнинг мамлакатимизда китоб меҳнаткашларнинг энг яқин дўсти бўлиб қолди. Чунки, ма'лумотли, маданий савияси юксак совет кишилари китобни севадилар, ундан ўзлари учун битмас-туганмас ма'навий озиқ оладилар. Меҳнаткашлар оммасининг моддий фаровонлиги яхшиланиб, маданий савияси ўсган сари, уларнинг китобга бўлган талаби ҳам кун сайин ортмоқда. Бизда меҳнаткашларнинг ўз билимларини ошириш, марксизм-ленинизм асосларини ўрганиб олишлари учун барча шароитлар яратилган. Аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини кучайтириш ва китоб ўқишни кенг пропаганда қилишда кутубхоналар катта роль ўйнамоқдалар. Кутубхона ва ўқишхоналарнинг тормоқларини кенгайтириш, уларни жиҳозлаш ва бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг савиясини кун сайин юқори даражага кўтариш учун давлат бюджетидан ҳар йили кўп миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизда, ишчи посёлкаларида, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, мактаб ва болалар уйларида кутубхоналар бор. Социалистик қишлоқларимизда минглаб китоб фондига, пахтакорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар, механизаторлар ва қишлоқ интеллигенциясидан иборат кўп сонли ўқучиларга эга бўлган кутубхоналар йил сайин кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда областимизда юзлаб кутубхоналар, ўқишхоналар ишлаб турипти. Буларнинг ҳаммаси халқ манфаатига хизмат қилмоқда. Китобхон-меҳнаткашларнинг талаби ортаборган сари, кутубхоналар ва уларнинг китоб фонди кўпаймоқда.

Шу нарса диққатга сазоворки, тинч ижодий меҳнат билан шуғулланиб, фаровон ҳаёт кечираётган қишлоқ аҳолисининг ўз маданий ва сиёсий савиясини оширишга бўлган иштиёқи ҳам кун сайин кучайиб бормоқда, бадиий завқи жўш ўрмоқда, турли адабиётларга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Эндиликда колхозчиларимиз Пушкин ва Гейне, Гоголь ва В. Гюго, Толстой ва Шекспир, Горький ва Бальзак, шунингдек совет ва четэл прогрессив ёзувчиларининг асарларини севиб ўқийдиган бўлиб қолдилар. Колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси марксизм-ленинизм классикларининг асарларини зўр иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Қишлоқ китобхонларининг илғор агробиология фани асосчиларининг китоблари ва қишлоқ хўжалик новаторларининг брошюраларига бўлган талаби тобора кучаймоқда.

Халқимизни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда кутубхона ва ўқишхоналарнинг роли муҳим эканлигини тушунган маҳаллий партия ва совет ташкилотлари бу соҳадаги ишларни ҳартарафлама яхшиламоқдалар. Партия ва ҳукуматимиз маданий-оқартув муассасалари ходимларининг олдига ғоят мас'улиятли вазифаларни қўймоқдалар. Бу вазифани бажаришда айрим кутубхона ходимлари ҳам бирқанча тадбирларни амалга ошириб, ўз фаолиятларини анча жонлантирдилар.

Бу ўринда Янгийўл район кутубхонаси (мудири ўртоқ Е. Сколозубова)нинг иш фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Яхши жиҳозланган ва бой китоб фондига эга бўлган бу кутубхона ходимлари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Кутубхонада китобхон-меҳнаткашларнинг актив иштироки блан ҳардиом турли темаларда лекция, суҳбатлар, китобхонлар конференцияси ва адабий кечалар ўтказиб турилади. Бу тадбирлар район марказида, шунингдек, кўчма кутубхоналар ташкил этиш йўли блан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ҳам ўтказилмоқда. Ўтган йили ана шундай лекция ва суҳбатларга 4 мингдан ортиқ киши қатнашган. Кутубхонада Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги тўғрисида суҳбатлар ўтказилиб, шу ҳақда фото-витрина ва китоб виставкаси ташкил этилган. Шу кунларда кутубхона коллективи меҳнаткашлар ўртасида сайлов қонуни ва партия, ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги қарорлари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказмоқда.

Чирчиқ каскади гидроэлектростанциясига қарашли Товоқсой посёлкасида жойлашган кутубхонада ҳам иш яхши йўлга қўйилган. Ҳозир кутубхонада 14 мингдан ортиқ китоб ва 800 га яқин китобхон бор. Кутубхона коллективи томонидан 1953 йил давомида турли темаларда 128 лекция, китобхонлар конференцияси, суҳбатлар ўтказилган ва 35 виставка ташкил этилган.

Лекин э'тироф қилиш керакки, ўз ишини яхши йўлга қўйган бундай кутубхоналар областимизда камдан-кам учрайди. Район ва қишлоқ кутубхоналарида олиб борилаётган ишлар ҳали областимиз олдида турган ғоят катта хўжалик ва сиёсий вазифалардан анча орқада қолмоқда. Қишлоқларда шундай кутубхоналар ҳам борки, улар яроқли бинолар ва ишчан ходимлар блан та'минланмаган, фондлари етарли даражада янги адабиётлар блан тўлдирилмаган. Бундай кутубхоналар ҳозирги юксак талаблар даражасида ишламаётир.

Мирзачўл районидаги Деҳқонобод қишлоқ кутубхонаси меҳнаткашларнинг талабига мутлақо жавоб бераолмайдиган аҳволга тушиб қолган. Кутубхона яроқсиз кичкина бир бинога жойлаштирилган бўлиб, унинг ҳатто ўқишхонаси ҳам йўқ. Кутубхонадаги мавжуд китоблар ҳар ерда сочилиб, ёмон ҳолга келтирилмоқда. Кутубхонани бино блан та'минлаш ҳақида район ижроия комитетига бирнеча марта мурожаат қилинган бўлса ҳам, лекин раҳбарлар ҳарсафар ва'да беришдан нарига ўтмаётирлар. Кутубхона кўпинча очиқ турмайди. Қишлоқ советининг раиси кутубхона мудирини бошқа ишлар блан банд қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам китобхонлар истаган вақтларида келиб кутубхонадан фойдаланаолмайдилар. Бу кутубхонада ҳечкандай оммавий-сиёсий тадбирлар амалга оширилмайди, китобхонлар конференцияси, турли темаларда лекция, суҳбатлар ўтказилмайди. Бундай кутубхоналарни бошқа қишлоқ советларида ҳам учратиш мумкин. Лекин район раҳбарлари бундай аҳволга бефарқ қараб келмоқдалар. Областимизнинг Юқоричирчиқ, Гулистон ва Верхне-волинск районларида ҳам қишлоқ кутубхоналарининг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Кўпгина район партия ва совет ташкилотлари идеология ишининг муҳим соҳаси бўлган кутубхоналарнинг меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашдаги ролига етарли баҳо бермаётирлар, улар кутубхоналар ишини яхшилаш юзасидан кат'ий чораларни кўрмаётирлар, кутубхона ходимлари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш блан етарли даражада шуғулланмаётирлар. Қишлоқ кутубхоналарининг ёмон ишлаётганликлари учун биринчи навбатда область Совети ижроия комитети маданият бошқармаси ва район Совети ижроия комитетларининг маданият бўлимлари айблидир. Улар қишлоқ кутубхоналарининг иши устидан мунтазам контроль қилиб турмайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми социалистик қишлоқ хўжалигининг ривожланиши блан колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг маданий талаби ҳам ўсаётганини алоҳида кўрсатиб ўтди. Шунинг учун ҳам қишлоқда маданий-оқартув муассасаларининг иш савиясини юқори кўтариш, кутубхоналарнинг фаолиятини кучайтириш муҳим вазифадир. Қишлоқ кутубхоналарининг коллективлари айниқса СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда агитпунктларни сайловга доир адабиётлар блан та'минлашлари, китоб виставкалари ташкил этишлари, СССР Конституцияси ва совет сайлов системасининг буюк принципларини пропаганда қилишда, КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатини тушунтириш ҳамда коммунистлар блан партиясизлар блокининг кандидатлари учун та'сирли агитацияни кучайтиришда агитаторларга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Шуни унутмаслик керакки, хўжалик ишларидаги муваффақиятларимиз кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб борилаётган сиёсий тарбиявий ва маданий-оқартув ишларининг савиясига ҳам боғлиқдир. Кўкламги экишга тайёргарликнинг ҳозирги ҳал қилувчи даврида қишлоқ кутубхоналари ишларини яхшилаш катта аҳамиятга эга. Маданий-оқартув муассасаларининг асосий э'тибори сайловга тайёргарлик кўришда оммавий-агитация ишларини кучайтириш, кўклам экишига тайёргарликни муваффақиятли ўтказиш ва совет қишлоқ хўжалик фанининг ютуқларини пропаганда қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга қаратилиши керак. Қишлоқ кутубхоналарининг ходимлари марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, партия XIX с'езди ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини, шунингдек партия ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бошқа қарорларни меҳнаткашлар ўртасида кенг пропаганда қилишга алоҳида э'тибор беришлари, шу мақсадда китоб виставкалари ташкил этишлари, китобхонлар конференциялари ўтказишлари, тематик тавсия рўйхатлари тузиб чиқишлари, колхоз дала участкалари ва бригадаларида кўчма кутубхоналар ташкил этишлари, медицина, илмий-оммабоп ва бадиий темаларда лекция ва суҳбатлар уюштиришлари лозим.

Кутубхона ходимлари тайёрлаш, кутубхоналарнинг китоб фондини тўлдириш, биноларини ремонт қилиш ва жиҳозлаш масалалари блан маҳаллий Совет ижроия комитетлари доимий равишда шуғулланишлари зарур. Вазифа — қишлоқ кутубхоналари ишидаги камчиликларни тезда тугатишдан, уларнинг фаолиятини тубдан яхшилашдан, кутубхоналарни марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, илмий-оммабоп китоблар, бадиий адабиётлар ва қишлоқ хўжалигига оид брошюралар блан тўлиқ та'минлашдан иборат.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқ кутубхоналари ишини партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифалар даражасига кўтаришлари, айниқса СССР Олий Совети сайловига қизғин тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги даврда кутубхоналарнинг фаолиятини ҳартомонлама кучайтиришлари керак.

Қишлоқ кутубхоналарига раҳбарликни тубдан яхшилайлик ва уни та'сирчан агитациянинг ҳақиқий марказига айлантирайлик.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚРИМ ОБЛАСТИНИ РСФСР СОСТАВИДАН УКРАИНА ССР СОСТАВИГА ТОПШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қрим области ва Украина ССРнинг экономикаси бирлигини, территориялари бир-бирига яқинлигини ва улар ўртасидаги мустаҳкам хўжалик ва маданий алоқаларни э'тиборга олиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг Қрим областини Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси составидан Украина Совет Социалистик Республикаси составига топшириш тўғрисида биргаликда қилган тақдими тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил, 19 февраль.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ *шаҳар ва қишлоқларида*

☆

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирамиз!

☆

Партия чақириғи блан

Москва комсомол-ёшларининг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Ўрол, Волгабўйи, Сибирь, Қозоғистонга бориш тўғрисидаги Мурожаатини Тошкент комсомоллари зўр қувонч блан кутиб олдилар. Пойтахтнинг йирик корхоналари «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш» заводлари, Сталин номидаги тўқимачилик комбинати цехларида Москва комсомолларининг Мурожаати ўқилмоқда. Шаҳар ва район комсомол комитетларига комсомол ва ёшлардан қўриқ ва бўз ерлар янгидан ўзлаштириладиган районларга юборишни сўраб ҳар кун юзларча аризалар тушмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг младший илмий ходими Л. П. Ликова Марказий район комсомол комитетига берган аризасида бундай деб ёзади:

«Мен 1952 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, агроном бўлиб чиқдим. Ўтган йил ёзда Ўзбекистон Фанлар академиясининг экспедиция составида Қуйи Амудар'ё ерларининг тупроқ қатламларини текширишда иштирок этдим. Мен бепоён Ватанимизнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш тўғрисида Москва ёшларининг чақириғига қўшилиб, Олтой ўлкасига боришга қарор қилдим. Агроном сифатида бу шарафли ишга ўз ҳиссамни қўшаман».

Комсомол а'зоси шофер А. Рижков, слесарь Чиннов, қурилиш механизмлари инструктори В. Гусев ўртоқлар ҳам қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштириладиган районларга юборишни сўраб ариза бердилар.

Машинасозлар ҳиссаси

ЧИРЧИҚ, 27 февраль. (ЎзТАГ). Сталин номидаги Чирчиқэлектрохимия комбинатининг машинисти ўртоқ Таюпов илгари тракторчи бўлиб ишлар эди. У, москвали комсомол ва ёшларнинг қўриқ ҳамда бўз ерларни ўзлаштиришга қатнашиш истагини билдириб бошлаган ватанпарварлик ташаббуслари ҳақидаги хабарларни газеталарда ўқигандан кейин, Қозоғистонга бориб ишлашга қарор берди.

Мамлакат ёшларининг ватанпарварлик ҳаракатига қўшилаётган Чирчиқ шаҳри ишчилари, инженерлари ва техникларининг сони кўпаймоқда.

— «Янги ерларга юборишингизни сўрайман. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган буюк вазифаларни амалга оширишга иштирок этишни истайман», — деб ёзади комсомол Тамбоцева ўзининг Чирчиқ шаҳар ЛКСМ комитетига берган аризасида.

Комсомол Глазирина, Тушева ва «Чирчиқсельмаш» заводининг бошқа кўпгина ёш ишчилари ҳам ана шундай аризалар бердилар.

☆

ЧИРЧИҚ, 27 февраль. (ЎзТАГ). «Чирчиқсельмаш» заводининг коллективи қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхона Новосибирск ва Иркутск областьларига, Олтой ўлкаси ва Қозоғистон ССР районларига кўп миқдорда сцеплар юборди.

Янги конструкциядаги сцеплар кўпқаторли сеялкалар, культуваторларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини кучли тракторлар блан агрегатлаш учун мўлжалланган. Қўриқ ерларни ишлаш вақтида бу сцепка ернинг 16 метр кенгликда олинишини та'минлайди.

Антонина Метлеева ўзи туғилган ўлкага боради

Антонина Метлеева Олтой ўлкасида туғилган эди. У Енисейск шаҳридаги болалар уйида тарбияланди ва улғойиб, ҳунар ўрганганидан кейин Тошкентга келди. Ҳозирги вақтда комсомол а'зоси А. Метлеева «Ўзглавшвейтрест»нинг 1-нчи заводида ишламоқда ва иш нормасини ҳар куни 120—130 процент қилиб бажармоқда.

Антонина Москва комсомол-ёшларининг Совет Иттифоқи комсомол-ёшларига қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга бориш тўғрисидаги чақириғини ўқиб, жуда хурсанд бўлди ва ўзи туғилиб ўсган Олтой ўлкасига юборишни сўраб, район комсомол комитетига ариза берди.

П. ЕРЕМИН.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ САЙЛОВИ ШАРАФИГА

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Қорасув ёғоч-буюмлар ишлабчиқариш комбинатининг коллективи СССР Олий Совети сайлови шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ишлабчиқариш соҳасида катта ғалабага эришди.

Комбинат директори ўртоқ Казаков мухбиримиз блан суҳбатда қуйидагиларни билдирди:

— Комбинатимиз коллективи сайлов куни — 14 мартгача 1 миллион 20 минг сўмлик ёғоч буюмлар ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Биз 27 февральгача 1 миллион 50 минг сўмлик маҳсулот бериб, 1954 йил биринчи квартал планини 102,9 процент бажардик.

Қорасув ёғоч буюмлар ишлабчиқариш комбинатининг инженер-техник ходимлари ва ишчилари партия ва ҳукуматимизнинг кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги чақириғига жавобан квартал охиригача пландан ташқари яна 50 минг сўмлик маҳсулот чиқариш учун курашмоқдалар.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЙИРИК САНОАТ ШАҲАРЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК ЧИРЧИҚ

Шўх, ўжар Чирчиқ дар'ёси жиловланди. Табиатни забт қилаётган совет кишилари бу дар'ёда ҳам кучли электростанция бун'ёдга келтирдилар. Бундан йигирма йил аввал дар'ёнинг бўмбўш бўлган икки соҳилида йирик заводлар, фабрикаларнинг корпуслари қад кўтарди, ишчи, хизматчилар учун архитектура жиҳатидан ғоят гўзал кўпқаватли жуда кўп уй-жойлар қурилди. Обод, янги, социалистик Чирчиқ шаҳри бун'ёдга келди. Бу қурилишларнинг кўпи сўнгги йилларда — 1950 йилда бўлиб ўтган СССР Олий Совети сайловидан буёнги тўрт йил мобайнида вужудга келди.

Илгариги ўйдим-чуқур, сўқмоқ йўллар ёки бутунлай ташландиқ бўлган жойлар ўрнида, эндиликда тўғри, асфальт ётқизилган, атрофи дарахтлар блан ўралган кенг кўчалар ойнадек ярқирайди. Шаҳарга кираверишда шаҳарнинг тўнғич гигант корхонаси И. В. Сталин номли Чирчиқ электрохимия комбинатининг муҳташам бинолари кўзга ташланади. Бу завод қурилиб ишга туширилгандан буён ўн саккиз йил ўтди. Бу комбинатнинг пойдевори қурилганда дун'ёга келган чақалоқлар эндиликда вояга етиб, ўспирин йигит бўлиб қолдилар, уларнинг кўпчилиги ўрта ва олий ўқув юртларида ўқимоқдалар ва бу азамат тенгдошлардан ўнларча йигит ва қизлар жонажон комбинатларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Завод қад кўтаргандан буён у мингдаб тонна а'ло сифатли минерал ўғитлар ишлаб чиқарди. Бу ўғитлар Ўзбекистон қишлоқларигагина эмас, балки Иттифоқимизнинг бошқа қардош республикалари, шу жумладан Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қиргизистон Совет Социалистик республикаларига жўнатилмоқда. Ўғитлар ерларга ҳаёт бағишлаб, ҳосилни оширмоқда, у ерларда пахтадан ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан мўл ҳосил етказишда муҳим восита бўлмоқда.

Мамлакатга доғи кетган «Средазхиммаш» заводини айтмайсизми? Бу завод ўзининг маҳсулотлари блан бепоён Ватанимизнинг электр саноатини турли машиналар, асбоб-ускуналар блан та'миналаб келмоқда. Республиканинг ифтиҳори «Чирчиксельмаш» заводининг илғор ишчиларидан, инструментал цехининг разметчиги Б. Нуралиев кунлик нормасини 280 процент ва мастер Б. Шевченко ҳам 250 процентдан ортдириб бажармоқда. Бу завод тайёрлаган қишлоқ хўжалик машиналари — ер юмшатиш культиваторлари, тракторга тиркаб ишлатиладиган асбоблар, ғўзапоя юладиган ва бошқа турли хил машиналар социалистик қишлоқ далаларида ўз му'жизасини кўрсатмоқда. Шаҳардаги ойна заводида ишлаб чиқарилаётган қалин, маҳкам ва тиниқ ойналар гигант заводларнинг цехларида ва меҳнаткашларнинг чиройли уйларини безатиб туради.

Чирчиқ дар'ёси соҳилида бун'ёдга келган заводлар ва турли саноат корхоналарининг ўсиши блан шаҳар аҳолиси ҳам кўпайди. Эндиликда Чирчиқ — Иттифоқимиздаги йирик саноат шаҳарлари қаторига кирди.

Партия ва ҳукуматимиз шаҳарнинг ободончилиги ва аҳолининг моддий фаровонлиги ҳамда маданий савиясининг ўсиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Маҳаллий бюджетдан йил сайин кўп маблағ ажратилмоқда. Масалан, шаҳар барпо бўлган биринчи йилларда унинг бюджети 1 миллион сўмга ҳам етмас эди. 1953 йилда эса шаҳар бюджети 21 миллион сўмга етди. Шу маблағдан халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишлари учун 17 миллион сўм сарфланди.

Шаҳар ойлаб, кунлабгина эмас, балки соатлаб ўсмоқда. Қурилиш ишлари изчиллик блан жадал усулда олиб борилмоқда. Шу кунларда қурилаётган янги бинолар—Советлар уйи, пионерлар уйи, қишки кино-театр, химикларнинг Маданият саройи, машинасозлар клуби, учта мактаб биноси, совет-колхоз бозори, музхона, маданий-маиший эҳтиёжлар учун турли хил моллар, буюмлар ишлаб чиқарувчи иккита комбинат, касалхона, ётоқхона ва бошқалар учун қурилаётган муҳташам бинолар шаҳарнинг хуснига хусн қўшиб, уни янада кўркамлаштиради.

Шаҳарда бўлган 10 та мактаб, 3 та техникум, болалар музика ва спорт мактаблари, иккита маданият ва истироҳат боғи, 6 та кино-театр қаторига яна кўплаб мактаб ва маданий муассасалар қўшилаётир.

Шаҳар корхоналарида турли миллат кишилари, ўзбеклар, руслар, украинлар, қозоқлар, қиргизлар, тожиклар, эстонлар, латишлар ва бошқа миллат вакиллари бор. Улар худди бир оиланинг а'зосидек дўст, аҳил бўлиб ҳаёт кечирмоқдалар, тинч, эркин меҳнат наш'асини сурмоқдалар. Бу аҳил оилалар Коммунистик партиянинг раҳбарлигида ва ҳукуматимизнинг бениҳоя меҳрибонлиги туфайли ўзларининг фидокорона меҳнатлари блан бахтли, қувноқ ҳаёт кечирмоқдалар. Улар гўзал Ватанимизнинг қучқудратини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шаҳарнинг саноат корхоналари 1953 йил ишлабчиқариш планини муддатидан илгари — 11 декабрьда бажардилар. Корхоналарда мамлакатга кўп маҳсулот бериш ва таннархини пландагидан анча камайтириш учун ватанпарварлик ҳаракати кучайиб кетди. Фақат 1953 йилда шаҳар корхоналарида таннархини камайтириш ҳисобига 1 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди, 3 миллион 600 минг сўм жамғарма тўпланди ва пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Саноат корхоналарининг ишлабчиқариш планларини ортиғи блан бажаришларида ватанпарвар ишчилар бениҳоя ғайрат ва садоқат блан меҳнат қилмоқдалар. Ефинкин, Никифоренко, Галаудинов, Анна Маслова каби 3 мингдан ортиқ илғор ишчилар 1954 йил планини бажариб, ҳозир 1955 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Янгилик изловчи совет ишчилари ўзларининг рационализаторлик таклифлари блан мамлакатимизнинг қуч-қудратини янада мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоқдалар. Шаҳардаги рационализаторлар таклифларининг амалга оширилиши туфайли ўтган йил 6 миллион сўм маблағ тежалди. Биргина химия комбинати 4 миллион 200 минг сўм маблағ иқтисод қилди ва маҳсулот таннархини камайтириш натижасида 3 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежади. Бундай ватанпарварлик ҳаракати шаҳарнинг бошқа саноат корхоналарида ҳам борган сари ривож топмоқда.

Оппоқ қор блан копланган Чим'ён тоғи баралла ярқираб кўринган, соф ҳаволи ва кўркам бу шаҳарда ҳаёт мавж уриб қайнамоқда. Саноат корхоналарининг юксак трубаларидан кечаю-кундуз қуюқ тутун кўтарилмоқда.

Ильич чироғларининг нурлари ҳаммаёқни тунда ҳам оппоқ ёритиб турипти. Шу кунларда ана шу корхоналарнинг меҳнатсевар коллективлари СССР Олий Совети сайлови шарафига бошланган социалистик мусобақада қатнашиб, 1954 йил биринчи квартал ишлабчиқариш планини 14 мартда бажариш учун курашмоқдалар.

Чирчиқ шаҳрининг истиқболи порлоқ. У яна обод ва кўркам бўлади.

Санжар ТИЛЛА.

☆

Рангдор плакатлар

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти кўклам экиш кампанияси, СССР Олий Советига сайлов, ёш мутахассисларнинг қишлоқда механизацияни кучайтиришга сафарбарлиги ва бошқа актуал темаларда янги, рангдор плакатлар босиб чиқаришни кенгайтирди.

Яқинда нашриёт Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Кайдаловнинг «Ленин идеялари топмоқда камол», «Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун овоз берамиз» темаларидаги рангдор плакатларнинг ҳарбирини 7 минг нусхадан босиб чиқарди. Шунингдек, рассомлардан С. Мальтнинг «Бахтимиз учун овоз берамиз», А. Ошейконинг «14 март — СССР Олий Советига сайлов куни. Ҳамма сайловга!» ва И. Калининнинг «Ёш мутахассислар МТСга» номидаги плакатлари ҳам бирнеча минг нусҳада нашр этилди.

Янги нон заводи

ОЛМАЛИҚ, 26 февраль. (ЎзТАГ). Ўзбекистоннинг янги Олмалиқ шаҳрида умумий овқатланиш ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг тормоғи кенгаймоқда. Янги нон заводи қурилиб бўлди. Бу завод энг янги техника блан қуроллантирилди. Нон маҳсулотларини ёпиш устидан махсус асбоб воситаси блан контроль қилиб турилади. Бу асбоб муайян вақтдан кейин процесснинг тамом бўлганлиги ҳақида сигнал беради. Бу эса нонни нуқул биринчи сорт қилиб ёпиб чиқариш имкониятини беради.

Пландан ташқари 5 ярим тонна сут сотилди

СИРДАР'Ё. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). «XIX партия с'езди» колхозининг сут соғувчиси Наташа Степанова соғиш сигирларни парвариш қилишга катта аҳамият бераётир. Ўртоқ Степанова ихтиёридаги «Бушиев» зотли 15 та сигирни қўлда яхши боқиши орқасида бу сигирлардан қиш кунлари ҳам кўп сут соғиб олаётир.

Ўртоқ Наташа Степанова ўз касбини севади. У боққан ҳарбир сигирдан ўтган йили 2000—2500 литрдан сут олинди. Колхоз давлат мажбуриятини бажаргандан кейин 5 ярим тонна сут колхоз бозорида сотилди.

Наташа Степанова ҳарбир сигирдан кўп сут олиш учун сигирларни янада яхшироқ парвариш қилмоқда.

Верхне-волинск районида

Район маркази обод бўлмоқда

Верхне-волинск қишлоғи тобора обод бўлмоқда. Унда янги турар-жойлар ва бошқа кўпгина жамоат бинолари қурилмоқда. Советлар Уйи биноси битиш олдида турипти. Бу ерда 8 хонали туғруқхона биноси ҳам қуриб битказилди. Янгидан қурилган раймаг ва қишлоқ хўжалик асбоблари магазини бинолари фойдаланишга топширилди.

Радиолашган колхоз

«Красний Октябрь» колхозида радиоузел қурилди. Колхоз қишлоғи тобора радиолаштирилмоқда. Ҳозир 80 колхозчининг уйида радиокарнайлар ишлаётир. Бундан ташқари, район марказидаги ишчи ва хизматчилардан 120 тасининг уйига янгидан радио точкалари ўрнатилди.

Колхозчилар учун янги уйлар

Район колхозларида Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга келган колхозчилар учун янги уй-жой бинолари қурилмоқда. Чкалов қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхозда 23, Нурматобод қишлоқ советидаги Свердлов номли колхозда 13 та янги типдаги уйлар қурилди. Буларнинг бир қисмига колхозчилар кўчиб кирдилар.

Қитобга қизиқиш катта

Район кутубхонаси ташкил этилгандан бери унинг китоб фонди янги китоблар ҳисобига икки марта кўпайди. Кутубхона яқинда яна бирнеча минг сўмлик янги китоб сотиб олди.

Кутубхонанинг доимий ўқучилари сони ҳам кун сайин кўпаймоқда. Ҳозир кутубхонанинг тракторчилар, колхозчилар ва бошқа касб эгаларидан иборат 800 ўқучиси бор.

М. ҒОЗИЕВ.



Суратда: 1. Чирчиқ шаҳрининг Ленин кўчаси. 2. Қуйи Комсомольск посёлкасидаги 6-нчи сон ўрта мактаб биноси.

А. Скоков фотоси.

СССР Олий Совети Президиумида

1954 йил 19 февральда СССР Олий Совети Президиумининг Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига топшириш тўғрисида РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдимини қараб чиқишга бағишланган мажлиси бўлди. Мажлисда Ўртоқ К. Е. Ворошилов раислик қилди.

Президиум мажлисида РСФСР дан РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ўртоқ В. А. Маслов, РСФСР Олий Совети Президиумининг Секретари Ўртоқ И. Н. Зимин ва Украина ССР дан Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ М. С. Гречуха, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ўртоқ В. Е. Нижник қатнашдилар.

Президиум мажлисида меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Ляллин ва Симферополь шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Н. Н. Катков ва Севастополь шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ С. Ф. Сосницкий ҳам қатнашдилар.

Мажлисда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ М. П. Тарасов гапириб, РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети Қримнинг территория жиҳатидан Украинага яқинлигини, экономикасининг бирлигини ва улар ўртасида мустаҳкам хўжалик ҳамда маданий алоқалар борлигини эътиборга олиб, Қрим областини Украина ССР составига топширишни мақбул деб топганликларини билдирди. Қрим областининг Украина ССР составига топширилиши,—деди Ўртоқ Тарасов,—украин ва рус халқлари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради ва Совет давлатининг умумий манфаатларига жавоб беради. Ўртоқ Тарасов РСФСР Олий Совети Президиумининг Қрим областини Украина ССР составига топириш ҳақида РСФСР Олий Совети Президиуми томонидан чиқарилган ва СССР Олий Совети Президиумининг тасдиқига тақдим этилган қарорни ўқиб берди.

Шундан кейин Украина ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ўртоқ Д. С. Коротченко гапириб, бундай деди: Украина ССР Олий Советининг Президиуми ва Украина ССР Министрлар Совети РСФСР Олий Совети Президиумининг Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига топшириш тўғрисидаги масала юзасидан қилган тақдимини муҳокама қилдилар ва бу таклиф рус халқининг украин халқига нисбатан чексиз ишончи ва муҳаббатини изҳор этучи дўстона бир тадбир деб ҳисоблайдилар. Қримни Украина ССР составига топшириш тўғрисидаги қарорни бутун украин халқи миннатдорчилик блан ма'куллайди. Ўртоқ Коротченко қарорни ўқиб берди. Бу қарорда қуйидагилар айтилади: Украина ССР Олий Совети Президиуми қардош рус халқининг самимий олижаноблик блан қилган шу акти учун РСФСР Олий Советининг Президиумига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади ва Украина ҳукумати Қримнинг халқ хўжалигини янада ривожлантиришга зўр э'тибор беради, деб ишонтиради.

РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдимини муҳокама этишда СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. М. Шверник, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари: Ўртоқ Ш. Рашидов ва Ўртоқ О. В. Куусинен иштирок қилдилар. Улар ўз нутқларида Қримни Украина ССР составига топириш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд қилиб ўтдилар ва бу тадбир мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидладилар.

Шверник, Рашидов, Куусинен ўртоқлар Қрим областини Украина ССР составига топириш тўғрисида РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдимини тасдиқлашни таклиф этдилар.

Муҳокама тамом бўлгандан кейин, СССР Олий Совети Президиуми Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига топириш тўғрисидаги Фармонни яқдилик блан тасдиқлади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов мажлис охирида нутқ сўзлади. Ўртоқ К. Е. Ворошилов айтдики, Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига топириш давлат нуқтаи назаридан жуда катта тадбир бўлиб, СССР халқларининг улуғ, қудратли қардошлик оиласида рус ва украин халқларининг бирлиги ва бузилмас дўстлиги тобора мустаҳкамланаётганлигини исбот этади. Қрим областининг РСФСРдан Украина ССР составига топиришлиши рус ва украин халқларининг манфаатларига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг умумий давлат манфаатларига жавоб беради.

Ўртоқ М. П. Тарасов нутқи

Ўртоқлар! Қрим областини Россия Федерациясидан Украина ССР составига топириш тўғрисидаги масала ССР Иттифоқи Олий Советининг Президиуми муҳокамасига тақдим этилди.

Ма'лумки, Қрим области бутун Қрим ярим оролини эгаллайди ва территориал жиҳатдан Украина Республикасига туташади. Қрим области Украинанинг жанубидаги даштликларнинг табиий давомидек бўлиб кўринади. Қрим областининг экономикаси Украина республикасининг экономикаси блан чамбарчас боғланган.

Қрим областининг қардош Украина республикаси составига топширилиши географик ва иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлиб, Совет давлатининг умумий манфаатларига жавоб беради.

Украин халқи ўз тақдирини азалданоқ рус халқи блан боғлагандир. Улар кўп асрлар мобайнида умумий душманларга—чоризмга, крепостникларга ва капиталистларга қарши, шунингдек ажнабий босқинчиларга қарши биргаликда курашиб келдилар.

Украина ва рус халқларининг кўп асрлардан буён давом этиб келаётган дўстлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида янада мустаҳкамланди. Қрим блан Украина ўртасидаги хўжалик алоқалари ва маданий алоқалар янада кўпроқ мустаҳкамланди.

Қрим областини Украина республикаси составига топириш тўғрисидаги масала Совет Иттифоқининг халқлари буюк воқиани, я'ни Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг уч юз йиллигини нишонлаётган кунларда муҳокама қилинмоқда. Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши украин ва рус халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида жуда катта прогрессив роль ўйнади.

Қрим областининг Украина республикаси составига топширилиши улуғ Совет Иттифоқи халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб беради, украин ва рус халқлари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, Совет Украинасини янада ишчатишга ёрдам беради. Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз Совет Украинасини ривожлантиришга доим зўр э'тибор беріб келдилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми РСФСР Министрлар Советининг Қрим областини Украина ССР составига топириш тўғрисидаги таклифини меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ва Севастополь шаҳар Совети ижроия комитетлари вакилларининг иштироки блан қараб чиқди.

Қрим области ва Украина ССР нинг экономикаси бирлигини, территориялари бир-бирига яқинлигини ва улар ўртасидаги мустаҳкам хўжалик ҳамда маданий алоқаларни э'тиборга олиб, шунингдек Украина Республикаси Олий Совети Президиумининг розилигини э'тиборга олиб, РСФСР Олий Совети Президиуми Қрим областини Украина Совет Социалистик Республикаси составига топиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу масала ҳақидаги тақдимимизни тасдиқлашни СССР Олий Совети Президиумидан сўраймиз.

Ўртоқ Д. С. Коротченко нутқи

Ўртоқлар!

Украина ССР Олий Совети Президиуми Қрим областини Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси составидан Украина ССР составига топириш тўғрисида бу ерда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Тарасов томонидан баён қилинган таклифга тамомила қўшилади ва қардош рус халқининг олижаноблик блан қилган ана шу самимий ҳизмати учун Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади.

Украина Республикаси ва Қрим областининг иқтисодий тараққиётининг бирлигини, территориялари бир-бирига яқинлигини ва улар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган хўжалик ҳамда маданий алоқаларни э'тиборга олганда Қримнинг Украина ССРга топширилиши тамомила мақсадга мувофиқ ва дўстона акт бўлиб, рус халқининг украин халқига нисбатан чексиз ишончи ва муҳаббатини исбот этади.

Улуғ рус халқи блан, мамлакатимиздаги барча халқлар блан қардошларча дўст бўлиш—Коммунистик партия кўрсатиб бераётган йўлдан, озод ва бахтли ҳаёт йўлидан, коммунизм йўлидан ғолибона суратда олға бориш эканлигини украин халқи яхши билади.

Қардош рус халқи ва Ватанимиздаги бошқа халқларнинг дўстлиги, ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайлигина, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли украин халқи ишончлаётган кунларда муҳокама қилинмоқда. Украинанинг Россия блан қайта қўшилиши украин ва рус халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида жуда катта прогрессив роль ўйнади.

Қрим областининг Украина республикаси составига топширилиши улуғ Совет Иттифоқи халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб беради, украин ва рус халқлари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, Совет Украинасини янада ишчатишга ёрдам беради. Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз Совет Украинасини ривожлантиришга доим зўр э'тибор беріб келдилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми РСФСР Министрлар Советининг Қрим областини Украина ССР составига топириш тўғрисидаги таклифини меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ва Севастополь шаҳар Совети ижроия комитетлари вакилларининг иштироки блан қараб чиқди.

Қрим области ва Украина ССР нинг экономикаси бирлигини, территориялари бир-бирига яқинлигини ва улар ўртасидаги мустаҳкам хўжалик ҳамда маданий алоқаларни э'тиборга олиб, шунингдек Украина Республикаси Олий Совети Президиумининг розилигини э'тиборга олиб, РСФСР Олий Совети Президиуми Қрим областини Украина Совет Социалистик Республикаси составига топиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу масала ҳақидаги тақдимимизни тасдиқлашни СССР Олий Совети Президиумидан сўраймиз.

Ўртоқ Н. М. Шверник нутқи

Ўртоқ Президиум а'золари, Қрим областини Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси составидан Украина Совет Социалистик Республикаси составига топириш тўғрисидаги таклиф тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, икки улуғ социалистик республика халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни яққол исбот этади.

Қрим области СССР халқ хўжалигида қора металлургия, узумчилик, виночилик, консерва ва балиқ саноати райони сифатида, чорвачилик райони сифатида, юқори сифатли буғдой етиштиручи ўлка сифатида анча катта роль ўйнайди. Қрим области Украина ССРнинг территорияси блан чегарадошдир. Бу факт Қрим области блан Совет Украинаси ўртасидаги умумий маданий ва хўжалик алоқаларини ривожлантиришни та'минлади.

Хомаш'ё ресурслари кўп бўлган, йирик саноати ривожланган, бебаҳо табиий шифохоналарга эга бўлган жуда катта областьни топириш ишларини социалистик мамлакатимиз шароитдагина амалга ошириш мумкин. Социалистик мамлакатимиз капиталистлар ва помешчикларнинг зулмидан абадий халос бўлди. Социалистик Ватанимизда киши тўғрисида ва унинг моддий ҳамда маданий эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш биринчи ўринда туради.

Ана шу муҳим тарихий акт Қрим областининг Украина ССР составида ўз

Ўртоқ Ш. Рашидов нутқи

Ўртоқлар! Қрим областининг Совет Украинаси составига топширилиши Улуғ Ватанимизнинг умумий манфаатларига жавоб беради. Давлат нуқтаи назаридан муҳим бўлган ана шу акт Украина ва Қримнинг экономикасини ривожлантиришга ёрдам беради, украин ва рус халқларининг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлайди.

Бизнинг партиямиз Совет Иттифоқидаги барча халқларни ягона дўст оилага жипслаштирди. Бизнинг партиямиз ўз қаҳрамонона курашининг ҳамма даврларида СССР халқларининг дўстлигини сақлаб, мустаҳкамлаб келди ва бу дўстликни Совет давлатимизнинг куч-қудратига асосланган енгилмас, қудратли кучга айлантирди. Бизнинг партиямиз ана шу дўстлик яшар ва тантана қилар экан, бизга ҳеч душманлар ҳам, ташқи душманлар ҳам хавфли эмас, деб та'лим беради.

Қрим областининг Украина ССР составига топиришлиши бутун совет халқи Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаётган тарихий кунларда ўтказилмоқда. Бу чора Коммунистик партиянинг мамлакатимиздаги барча халқларнинг ижодий ва ма'навий кучларини ҳартомонлама ривожлантириш ҳамда ишчатишга қаратилган доно миллий сиёсатни ёрқин кўрсатучи янги далилдир. Миллий адоват ва миллий зиддиятлар бўлмаган, барча совет кишиларининг ҳаёти тинчлик ва бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида тинч ижодий меҳнат қилиш шароитида ўтаётган, киши тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет ҳукумати ва Коммунистик партия учун олий қонун бўлган бизнинг мамлакатимиздагина бундай чорани амалга ошириш мумкин.

Мен, Қрим областини Украина Совет Социалистик Республикаси составига топириш тўғрисида РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдимини қизғин қувватлайман.

Ўртоқ О. В. Куусинен нутқи

Ўртоқлар! РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдими принципиал жиҳатдан жуда катта э'тиборга сазовордир. Бу нарса шу жиҳатдан э'тиборга сазоворки, у, мамлакатимизда амалга оширилаётган социалистик демократиянинг, халқлар ўртасидаги ленинча мустаҳкам сиёсатнинг ғоят афзалликларини ёрқин исбот этучи янги далилдир.

Рус халқи каби улуғ халқнинг ўзининг энг муҳим областьларидан бирини бошқа қардош халққа ҳеч иккиланмай, ҳиммат блан топириши каби ишлар фақат бизнинг социалистик мамлакатимиздагина амалга оширилиши мумкин. Айрим область ва районларни бошқа республика составига қўшиш тўғрисидаги бундай жуда муҳим масалаларни Совет мамлакатимиздагина қардош республикалар ўртасида ҳеҳқандай қийинчиликсиз, дўстона ва аҳллик блан ҳал этиш мумкин. Бу масалада иқтисодий ва маданий тараққиёт учун мазкур тадбирнинг мақсадга мувофиқ эканлиги кўзда тутилади, Совет давлатининг умумий манфаатлари ва қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ишончи тобора мустаҳкамлаш манфаатлари кўзда тутилади.

Демак, ана шу принципиал нуқтаи назардан РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг Қрим областини Украина ССР составига топириш тўғрисида биргаликда қилган тақдими табриклашга сазовордир. Шу нуқтаи назардан ана шу тақдимнинг амалий ва сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлиги тўла асослаб берилган.

Шу сабабдан мен бу ерда СССР Олий Совети Президиуми РСФСР Олий Совети Президиуми ва Украина ССР Олий Совети Президиумининг биргаликда қилган тақдимини тасдиқлаши тўғрисида киритилган таклифни тамомила қувватлайман.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқи

Ўртоқлар!

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Қрим областини Россия Совет Федератив Социалистик Республикасидан Украина Совет Социалистик Республикаси составига топириш тўғрисида РСФСР Олий Совети ва Украина ССР Олий Совети Президиумларининг биргаликда қилган тақдими юзасидан чиқарган қарори Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг қудратли улуғ қардошлик оиласида рус ва украин халқларининг бирлиги ва бузилмас дўстлиги янада мустаҳкамланаётганлигини исбот этади.

Давлат нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган ана шу муҳим акт СССРда суверен иттифоқчи социалистик республикалар ўртасидаги муносабатлар чинакам ҳуқуқий тенгликка ва барча иттифоқчи республикаларни яшнатишга қаратилган манфаатларини чинакам тушуниш ва ҳурмат қилишга асосланганлигини яна бир марта та'кидлайди.

Давлатлар ўртасидаги шундай муносабатлар тарихда бўлган эмас ва бўлолмас ҳам эди. Ўтмишда, айниқса капитализм даврида давлатлар ўртасидаги муносабатлар бошқаларнинг территорияларини босиб олиш учун интилишга, кучли давлатларнинг кучсиз мамлакатлар территорияси ҳисобидан яшашга интилишига асосланади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шароитдагина иттифоқчи республикалар ўртасидаги барча территориал масалаларни шундай адолатли тарзда ҳал этиш мумкин. Бундай масала мазкур республикалар халқларининг ҳамжиҳатлиги, дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги вазиятида хўжалик-иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлишига қараб ҳал этилади.

Қрим областининг Украина составига топиришлиши мамлакатимиз халқари ўртасидаги дўстликни, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг эллик йиллик тарихи мобайнида чиниқтириб келган дўстликни яққол ифода этади.

Қрим области ўзининг тарихий тараққиёти жиҳатидан, территория ва иқтисодий аҳволи жиҳатидан бутун Совет давлати учун муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ ва яқин ўтмишда душманлар Қрим ярим оролини Россиядан тортиб олишга, рус ва украин ерларини талаш ва хонавайрон қилиш ниятида ундан фойдаланишга, Қримда Россия ва Украинага ҳужум қилиш учун ҳарбий база вужудга келтиришга кўп марта уринди кўрган эдилар. Аммо рус ва украин халқлари биргаликда қураш олиб бориб, қабиҳ душманларга доим қаттиқ зарба бердилар ва уларни Қрим тупроғидан ҳайдаб чиқардилар. Қрим Қора денгиз бўйида мустаҳкам совет қал'аси бўлиб келди ва доим шундай қал'а бўлиб қолади.

Украина ва Қрим иқтисодий манфаатларининг бирлиги ва территориал яқинлиги жиҳатидан бир-бири блан маҳкам боғланган. Улар ўртасидаги хўжалик алоқалари ва маданий алоқалар Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин айниқса ўсди ва мустаҳкамланди.

Қрим областининг Украина ССР составига топширилиши ана шу традицион алоқаларни, шубҳасиз, янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Ўртоқлар! Ана шу дўстона акт совет кишилари муҳим тарихий кунни—Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг уч юз йиллигини тантанали суратда нишонлаётган бир пайтда амалга оширилмоқда. Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг уч юз йиллиги украин ва рус халқларининггина эмас, балки Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг ҳам миллий байрамидир.

СССР халқларининг дўстлиги кўпмиллатли социалистик давлатимизнинг энг улуғ асосларидан бири, унинг енгилмас кучи, гуллаб-яшнаши ва қудратининг манбаидир. Рус, украин халқлари ва поёнсиз мамлакатимизда яшовчи бошқа қардош халқларнинг ҳаммаси шонли Коммунистик партиямизнинг раҳбарлиги остида бундан кейин ҳам ўзларининг қардошларча бузилмас дўстликларини кучайтиражаклари ва мустаҳкамлаяжакларини биламиз ва бу блан қувонамиз.

Улуғ севикли Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамлансин ва яшнасин!

Намунали Агитпункт

Темирйўлчилар саройининг муҳташам биноси узоқдан кўзга ташланиб туради. Саройнинг пештоғи СССР халқларининг дўстлигига бағишланган катта панно, блан, ўзбек ва рус тилларида чиройли қилиб ёзилган турли шиорлар блан безатилган.

Мана шу ҳашаматли саройда Тошкент шаҳар Ленин районининг СССР Олий Советига сайлов ўтказучи 6/6 сайлов участкаси жойлашган. Сайлов участкасининг заллари ҳам яхши безатилган. «Бешйиллик план — совет халқининг социализмдан коммунизмга ўтишида буюк қадамдир» деган шиор катта ҳарфлар блан ёзилган. Бу ерга партия XIX с'езди материаллари, СССР Олий Советининг V сессияси материаллари, агитаторларга қўлланма бўладиган кўп адабиётлар қўйилган.

Агитпунктда кечқурунлари одам гўжжум. Сайловчилар столларга қўйилган адабиётлар, газета ва журналларни ўқийдилар, лекциялар эшитадилар, шахматшашка ўйнайдилар.

Агитпункт мудири В. П. Кирилюк агитаторлар йиғилишини ўтказиб, уларга кўрсатмалар бермоқда, аҳоли орасида агитация ишларини қизитишга ҳаракат қилмоқда.

Агитаторлардан Р. Абдусаломова, Г. Обуховский, В. Зинченко ўртоқлар сидқидил блан ишлаб турганликлари учун сайловчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Яқинда ёш сайловчилар блан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Бунда «Совет сайлов системаси—дун'ёда энг демократик сайлов системасидир» деган темада лекция ўқилди. Лекциядан сўнг сарой ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгараги томонидан концерт берилди. Кечага 500 га яқин ёш сайловчилар қатнашдилар ва улар ташкил этилган кечадан мамнун бўлиб қайтдилар.

Р. ОЛИМОВ.

Маданият ходимлари касаба союзи Тошкент шаҳар конференцияси

Яқинда Олимлар уйида маданият ходимлари касаба союзи биринчи Тошкент шаҳар конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция Маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг Тошкент шаҳари бўйича олиб борган 10 йиллик иши тўғрисида комитет раиси Ўртоқ Хўжаевнинг ҳисобот докладини муҳокама қилди.

Докладчи ва музокарага чиққан делегатлар ҳисобот даврида республика комитети ҳамда шаҳардаги қуйи касаба союз ташкилотларининг иш фаолиятида бирқанча ютуқларга эришилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Социалистик мусобақанинг кенг ривожлантирилиши туфайли шаҳарда кўпгина корхоналар, муассасалар ишлабчиқаришда, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишда бирқанча муваффақиятларни қўлга киритдилар. «Узглавкниж-торг»га қарашли 1-нчи магазин, «Искра», «Ўзбекистон» кинотеатрлари, айрим кинолаштириш бўлимлари ва 3-нчи босмахона коллективлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғалаба қозониб, бирнеча бор кўчма Қизил Байроқ ва пул мукофотлари олишга сазовор бўлдилар. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда корхона ва муассасаларда кенг ёйилиб кетган, оммавий-рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракатлари, шунингдек кўпгина корхоналарнинг коллектив шартномалар бўйича олган мажбуриятларини тузук бажаришлари катта роль ўйнади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарори асосида Илмий-текшириш ишларининг қайта қурилиши муносабати блан олий ўқув юртларининг олимлари ва илмий муассасаларнинг ишлабчиқариш ходимлари блан ижодий ҳамкорлиги анча мустаҳкамланди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти техника кафедраси СоюзНИХИ ходимлари блан ҳамкорликда узун толали пахтанинг янги хилларини топишда яхши натижаларга эришдилар. Ўрта Осиё политехника институтининг металлар технологияси кафедраси «Ташсельмаш» заводи блан яқиндан ҳамкорликда бўлиб, СХС-1,4 пахта теріш машинаси учун айрим детальлар ишлаб чиқаришнинг оддий ва серунум методларини жорий қилди.

Кўпгина корхона ва муассасаларнинг касаба союз ташкилотлари партия ташкилотининг ёрдами блан лекция пропагандасини кучайтириш, союз а'золарининг сиёсий билимларини ва маданий савияларини оширишда тузук иш олиб бордилар.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар Республика Комитети ва шаҳар қуйи касаба союз ташкилотларининг ишида юз беріб келаётган жиддий камчиликларни ҳам очиб ташладилар.

Республика Комитети ва кўпгина фабрика, завод комитетлари ҳамда маҳаллий комитетлар социалистик мусобақага қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг босмахонаси, грампластинка заводи ва бошқа айрим корхона ва муассасаларнинг касаба союз ташкилотларида социалистик мусобақа расмиятчилик блан олиб борилмоқда. Рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракатларининг кенг ёйишга, кадрлар блан ишлашга кам э'тибор берилмоқда.

Республика комитети корхоналарда қизил бурчаклар ташкил қилиш, ишчи ва хизматчилар ўртасида физкультура ва спорт ишларини кучайтиришга етарли э'тибор бермаётир. «Наука» кўнгилли спорт жамияти (раиси ўртоқ Лой) қониқарсиз ишламоқда.

Республика Комитети уй-жой қурилишининг бориши устидан тегишли контроль ўрнатмаётир, Маданият Министрлиги системасига қарашли корхона ва муассасалар ишчи, хизматчиларининг, ўқув юртлари студентларининг уй-жой, маданий-маиший турмушларини яхшилашда қониқарсиз иш олиб бормоқда. Фабрика-завод комитетлари ва маҳаллий комитетлар ҳузуридаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари суст ишлаётир.

Конференцияда сўзга чиққан 1-нчи босмахона касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Исҳоқов социалистик мусобақага бўш раҳбарлик қилаётганлиги, илғорлар тажрибасини ёйишга етарли э'тибор бермаётганлиги учун Республика Комитетини қаттиқ танқид қилди.

Делегатлардан Кримтал, Московенко, Баратов ўртоқлар Республика комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети олий ўқув юртлари студентларининг маданий ва маиший аҳволларини яхшилаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётганликларини кўрсатиб ўтдилар. Кўпгина олий ўқув юртларида аудиториялар етишмайди ва улар мебеллар, ўқув қуроллари блан етарли та'минланмаган. Етоқхоналарда студентларнинг маданий дам олишлари учун қулай шароит яратилмаган. Ўрта Осиё политехника институти, музика билим юрти ва бошқа айрим олий ўқув юртлари ўз клубларига эга эмас. Республика Комитетининг ходимлари қуйи касаба союз ташкилоти ишларига юзаки раҳбарлик қилмоқдалар, ишни яхши ташкил қилган касаба союз ташкилотларининг тажрибасини ёйишга етарли э'тибор бермаётирлар.

Музокарага чиққан ўртоқларнинг кўпчилиги Республика Комитетининг корхона ва муассасаларда, олий ўқув юртларида умумий овқатланишни яхшилаш, меҳнатни мухофаза қилиш, шунингдек уй-жой ва маданий-маиший қурилиш масалалари юзасидан қониқарсиз иш олиб бораётганлигини танқид қилдилар.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди ва Маданият ходимлари касаба союзи республика конференциясига делегатлар сайлади.

Кутубхона ишларига э'тибор кучайтирилсин

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш блан бирга, уларнинг маданий савиясини оширишга ҳам катта э'тибор беріб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам маданий-оқартув муассасаларининг тормоқлари йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Маданий-оқартув муассасаларининг энг муҳим тормоқларидан бири ҳисобланган кутубхоналар халқимизнинг маданий дам олишини уюштириб, уларнинг билим ва сиёсий савияларини оширишда катта роль ўйнамоқда.

Республикамизнинг бошқа областьлари каби Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам маданий-оқартув муассасаларининг тормоқлари, айниқса кутубхоналар сони кўпаймоқда ва буларнинг ҳаммаси халқ манфаатига хизмат қилмоқда. Бу ўринда Янгийўл район кутубхонаси (мудири Е. Сколозубова)нинг иш фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Яхши жиҳозланган бу кутубхонада иш шу кунларнинг талабига жавоб беррлик даражада яхши йўлга қўйилган. Кутубхона ходимлари китобхонлар блан ҳардиом маданий муомалада бўладилар ва уларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Ҳозирда кутубхонанинг фондида 10 минг 950 китоб бор. Кутубхонага шу кунгача 6781 китобхон жалб этилган бўлиб, унинг доимий ўқучиларининг сони 450 кишига етади.

Кутубхона ходимлари китобхонлар блан доимий равишда маданий-оқартув ҳамда оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқда. 1953 йил давомида китобхонлар блан турли темаларда 191 марта лекция, конференция, адабий кеча ва суҳбатлар ўтказилди. Буларда китобхон-меҳнаткашлар актив иштирок этди. Кутубхона ходимлари бундай лекция ва суҳбатларни фақат район марказида эмас, кўчма кутубхона ташкил этиш йўли блан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ҳам ўтказмоқдалар. Ўтган йил ана шундай лекция ва суҳбатларга 4 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Кутубхонада Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги ҳақида суҳбатлар ўтказилиб, шу ҳақда фотовитрина ва китоб виставкаси ташкил этилди. Шу кунларда кутубхона ходимлари меҳнаткашлар ўртасида сайлов қонуни ва КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата қилган Мурожаати ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Район кутубхонаси қишлоқ советлари, МТС, колхоз, совхоз ва мактаблар ҳузуридаги кутубхоналарнинг ишларига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Яқинда тўртта кўчма кутубхона ташкил этилиб, районнинг узоқ қишлоқларидаги колхозларга ва Қизил Қум яйловига юборилди. Кутубхона ходимлари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш учун ана шундай тадбирларни амалга ошириб, кутубхонанинг фаолиятини анча жонлантирмоқдалар.

Лекин ўз ишини намунали йўлга қўйган бундай кутубхоналар областимизда камдан-кам учрайди. Ба'зи маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг бу соҳага яқиндан раҳбарлик қилмаётганликлари натижасида ҳали кўпгина жойларда район кутубхоналарининг ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Чунончи, Юқоричирчиқ район кутубхонаси (мудири Л. Болтабоева) сўнгги йилларда меҳнаткашларнинг талабига мутлақо жавоб бераолмайдиган даражага тушиб қолди. Кутубхонада конкрет бир план асосида иш олиб борилмайди, лекция ва суҳбатлар тайёрликсиз, паст савияда ўтади. Шунинг учун ҳам бундай лекция ва суҳбатларга камдан-кам киши қатнашади. Кўпинча белгиланган тадбирлар ўз вақтида ўтказилмасдан қолиб кетади. Кутубхона бой китоб фондига эга бўлгани ҳолда, китоблар кутубхона жойлашган бинонинг ҳаржой-ҳаржойига тартибсиз уйиб ташланган. Кутубхона ходимлари эса қанча ва қандай китоблар борлигининг аниқ ҳисобини ҳам билмайдилар. Бунинг устига кутубхонага китоб олиш учун ажратилган маблағдан ҳам ёмон фойдаланилмоқда.

Кутубхонада партия XIX с'езди материаллари, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида пропаганда қилиш ва СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик блан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳам шу кунгача кўзга кўринарли иш қилингани йўқ.

Гулистон ва Верхне-волинск район кутубхоналарида ҳам аҳвол ана шундай. Гулистон район кутубхонаси 1953 йил мобайнида ҳозирги юксак талаблар даражасида иш олиб бормади, китобхонларга маданий хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўймади. Бунинг устига кутубхона мудири ўртоқ К. Шарипованинг мас'улиятсизлиги натижасида 1953 йилда китоб олиш учун ажратилган маблағдан 13 минг 600 сўми фойдаланилмади.

Ҳозир СССР Олий Совети сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳамда область маданият бошқармаси ва район маданият бўлимлари кутубхоналар ишидаги мавжуд камчиликларга тезда хотима беріб, кутубхоналарни намунали ҳолга келтиришлари керак.

М. МАҲКАМОВ.

Пассажирларга хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда

Тошкентда Тошкент, Куйбишев, Оренбург, Туркистон-Сибирь ва Ашхобод темир йўлларидаги умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Поездларда ва станцияларда пассажирларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда вагон-ресторанлар трести Тошкент бўлимининг старший ошпази ўртоқ Алексеев, Тошкент станциясидаги ресторанининг ошпази ўртоқ Деньшчиков ва бошқалар хилма-хил ва мазали овқатларни тайёрлаш тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Кенгаш қатнашчилари буфет ва ресторанларнинг ишини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладилар.

(ЎзТАГ).

АҲОЛИГА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Қандолат

Бирор меҳмон келадиган бўлиб қолса, айниқса байрам арафасида Анзират холанинг даставвал эсига тушадиган нарса қандолат — ширинликлар бўлади.

Набираси Ра'нонинг туғилган куни бу йил дам олиш кунига тўғри келишини биларди. Дам олиш кунига эса ҳали уч кун бор. Шунга қарамай, Анзират холага меванинг ташвиши тушиб қолди. Ўғли блан келинини ишга, набираларини мактабга узатиб, уёқ-буёқни йиғиштирди-да, хотиржам бўлди.

Анзират хола набирасининг «имени»сига тайёрлик кўришни эрталаб ўрнидан турмасданоқ ўйлаб қўйган эди. Шунинг учун ҳам даставвал буфетнинг ёнига борди-да, унинг эшигини очиб, ундаги меваларни чамалаб кўрди. У, буфетнинг эшигини ёпатуриб, набираларини қойиб кетди: «Болалари тушмагур, ширинликка ўч. Мана мева ҳам тугай деб қолипти. Ҳозироқ магазинга бориб келмасам, ҳа демай кун пешин бўлади, овкатга уриниб кетаман-да, қўлим тегмай қолади».

Гузардаги магазинда ҳам мева-чевалар кўп эди-ю, лекин Анзират холанинг кўнгли Навоий кўчасидаги янги очилган «Гастроном»га боришни истаб қолди. У таксига, шофернинг ёнига ўтириб, — Гастроном-га, — деди, Шофер ҳам қайси гастрономлигини суруштирмай, тўғри Навоий кўчасига йўл олди...

Анзират холанинг келини Саодатхон шу куни ишдан эртароқ қайтди. Пазанда қайнонаси тайёрлаб қўйган лаззатли овқатни иштаҳа блан еб, бир пиёла чой ичишга сабри чидамай, у ҳам «именин»нинг тараддудига тушиб қолди.

Саодатхон орқа ўрим сочларини бошига чамбарак қилиб, устидан ҳаворанг дуррача блан танғиб олди. Енгини тирсагигача шимариб, уй йиғиштиришга тушиб кетди. У, буфетдаги чинни асбобларни тозалаб, ярқиратиб қўймоқчи бўлди-да, буфетнинг эшигини очган эди, кўзи усти-устига тахланиб ётган пакетларга тушди.

— Ойижон, — деди у хайрон бўлиб, — буларингиз нима?

— Нима бўларди, болам, — деди кампир жилмайиб, — қандолат — ҳархил мева-чева.

— Нега бунча кўп? Нима мевапуришлик қилмоқчимисиз?

— Сен ҳам ўша янги гастрономга борганингда эди, қайсибирини олишингни билмай шошиб қолардинг. Меваларни хилма-хил қилиб бирам тахлаб ташлаптики, бирини олсанг, иккинчиси «мени ол» деб туради. Қўлинг дард кўрмагурлар яна янги-янгиларини чиқаришипти.

Майли болам, қандолат меҳмоннинг иззати, дастурхоннинг кўрки, қанча бўлса ҳам кўплик қилмайди. Бу нозу-не'матларни чиқариб қўйганларга «балли» десанг арзийди.

☆

Тошкентбой Ҳакимовни фабрикада ҳечким фамилияси блан атамайди. Руслар «отец», ўзбеклар эса «ота» деб атайберишади. Тошкентбой Ҳакимов ҳам бунга жуда кўникиб қолган. Агар бошқачароқ атаб қолишса, кекса қандолатпазнинг ўз фарзандларидек бўлиб қолган кишилар гўё беқоналашиб кетгандек туюлади.

Меҳнат шон-шараф ишига айланиб кетган бизнинг мамлакатимизда чорак асрлик ҳалол меҳнат ҳазилакам гап эмас. Меҳнат бўлганда ҳам қандақанги денг? Нуқул ижодий меҳнат! Ҳозир «Ўрток» кондитер фабрикаси илгари бир йилда зўрга 400 тонна маҳсулот бераоладиган артель шаклидаги кичик бир корхонадан, бир ойнинг ўзида 650 тоннага етказиб маҳсулот бераоладиган фабрикага кўтарилиш йўлини босиб ўтди. Коллектив босиб ўтган бу шонли йўлнинг ҳарбир қадамида Тошкентбой Ҳакимовнинг озгина бўлса ҳам ҳиссаси бор.

— Фабрикани шу ҳолга келтиргунча, — дейди Ҳакимов, — коллективимизнинг кўп меҳнати сарф бўлди. Бизни бу фидокорона меҳнатга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг биз ишчилар учун қилиб келаётган ғамхўрликлари илҳомлантирди. Биз уларнинг тинмай қилиб келаётган ғамхўрликларини ҳаммавақт ҳис қилиб турдик.

Тошкентбой Ҳакимов мастерлик қилаётган сменада иш қизғин бормоқда. Дош қозонларда қайнаётган қиём етилиб, тобора қуюқлашиб бормоқда. Қуйилиб тобига келган қиём трубалардан қориш линияси тепасига ўрнатилган пўлат бакларга ўтади.

Устига супра ёпилган столлар атрофида медсестралар каби оқ фартук кийган ва бошларини оқ дуррача блан танғиб олган хотин-қизлар жуда чаққон ҳаракат қиладилар. Улардан бири бакнинг клапансимон қопқоғини олиб, супрага қиём ағдаради, бошқалари эса, қиёмга урвоқ сепиб, уни хамир каби қоришгирадилар.

Ишнинг бу процесси узоқдан қараган кишига клиникалардаги операция столини эслатади. Кўп йиллик тажрибаси блан ўз ишининг моҳири бўлиб қолган Тошкентбой ота ана шу операциянинг нозик процессларини синчиклаб кузатиб туради, чунки бепарволик блан қилинган озгина ҳаракат ҳам қиёмнинг сифатини бузиб қўяди. Сифатсиз маҳсулот эса, Анзиратхола каби шинаванда харидорларни ранжитиб қўйиши мумкин.

Тошкентбой Ҳакимов масаланинг мана бунақанги нозик томонларига кўпроқ аҳамият беради. Агарда бирорта одам бу ҳақда э'тироз билдирадиган бўлса, «Партия ва ҳукуматимиз, — дейди Тошкентбой ота, — аҳолини сифатли маҳсулотлар блан кўпроқ та'минлаш кераклиги тўғрисида қарор чиқарган. Бу қарорни амалга ошириш ана шунақанги кичкина ишлардан бошланади», — деб дангал жавоб беради.

Бир тоғора хамирдек бўрсиллаб турган қиёмни ёнгина бир йигит даст кўтарди-да, барабаннинг дастакларига илди. У агрегатнинг кнопкасини босиб, гулдираб ҳаракатга кирган барабаннинг айланишини кузатиб турди. Қизғимтил қиём дастакларда охарланган ипак калавасидек кумушсимон товланарди.

Қиём тайёр. Энди уни махсус линияга — «Золотой ключик» ириси ишлаб чиқарадиган машинага келтирадилар. Хамирдек мулойим қиём линиялардан ўтиб қоғозларга ҳам ўралиб тарновлар орқали агрегат остига ўрнатилган махсус яшикларга тўкилаберади.

Анзират холанинг Навоий кўчасидаги янги гастрономдан янгилик деб ҳавас блан олган ширинликларидан бири ана шу «Золотой ключик» ириси эди. Анзират холанинг гапи бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам фабрика коллективи кейинги йилларда ширинликларнинг кўпгина янги хилларини ўзлаштирди. Шулардан харидорларга кўпроқ манзур бўлганларидан бири «Золотой ключик» ирисидир.

Суратда: Фабриканинг смена мастери **Акрам Ҳакимов** ва бригада бошлиғи **Мария Карпенко** ўртоқлар «Золотой ключик» агрегати ёнида.
А. **Палехов** фотоси.

Ширинликларнинг бу хил янги ассортиментларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда Тошкентбой Ҳакимов, цех мастери **Акрам Ҳакимов**, бригада бошлиғи Мария Карпенко ўртоқлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ширинликларнинг янги хилларини ўзлаштиришдаги бу муваффақиятлар цехларни қайта қуриш, янги агрегатлар ўрнатиш ва кадрларнинг малакасини тинмай ошириб бориш асосида қўлга киритилмоқда. Асқар Додонов, Акрам Ҳакимов ва фабриканинг бошқа илғор ишчилари Москвадаги «Красний Октябрь» кондитер фабрикасига бориб, ундаги отоқли рус мастерларидан та'лим олиб келдилар.

Цех бошлиғи инженер Ароновнинг таклифи блан илгари қўлда тайёрланадиган «Утро» карамелини ишлаб чиқариш механизациялаштирилди. Бу эса меҳнат унумини кўп миқдорда оширди. Илгари сменада 400 килограмм карамель ишлаб чиқариладиган бўлса, ҳозир ана шу агрегатда 3 — 4 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Чорак асрлик иш фаолиятида неча юзлаб шогирдлар тайёрлаган, ширинликларнинг янги-янги хилларини кашф этган Тошкентбой Ҳакимов ҳозир монпасьенинг янги хили устида иш олиб бормоқда.

СССР Олий Совети сайлови шарафига меҳнат вахтасида туриб хизмат қилаётган фабриканинг ижодий коллективи январь ойининг ишлабчиқариш планини 106 процент, февраль ойи планини муддатидан илгари — 26 февральда бажарди. Коллектив сайловни янада янги ғалабалар блан кутиб олиш учун ижодий ташаббус кўрсатиб, зўр маҳорат блан ишламоқда.

А. МИРБОБОЕВ.

ТЕАТР

„ОПТИМИСТИК ТРАГЕДИЯ“

Отоқли совет ёзувчиси Всеволод Вишневскийнинг номи совет китобхонлари ва тамошобинлари орасида машҳур. Болтиқ флотининг матроси, Биринчи Отлиқ армиянинг пулеметчиси, гитлерчилар Германиясининг сўнгги қўрғони — Берлинни тўпга тутган совет артиллериясининг на'расини ўз қулоқлари блан эшитган ёзувчи В. Вишневский ҳаётни борлигича тасвирлашгина қолмай, балки уни қайта қуришда ҳам актив иштирок этди. Бу ажойиб ёзувчи, машҳур драматург ва дов'юрак жангчининг бутун ижоди кураш, юксак партиявий ғоявийлик руҳи, ҳаётни янгича қуриш истаги блан тўлиб-тошгандир. Ёзувчининг диққатини энг муҳим воқеалар, катта эпик полотнолар жалб қилиб келди. Уннинг «Биринчи отлиқ армия», «Оптимистик трагедия», «Унутилмас 1919 йил» пьесалари совет драматургиясининг олтин фондидан муносиб ўрини эгаллаган.

Вишневскийнинг пьесалари коммунизм қуришнинг юксак идеялари йўлида ҳарқандай қийинчилик ва тўсиқларни усталик блан енгиб ўтишга, жасурлик, қаҳрамонлик ва мардликка ўргатади.

Всеволод Вишневский драматургиясидаги асосий тема партия раҳбарлиги, халқ оммасини жипслаштируви, уларни ғалабага бошлаб боручи коммунистларнинг пўлат иродасини бадиий полотноларда акс этдиришдир.

«Оптимистик трагедия»ни саҳнага қўйган Туркистон Ҳарбий Округи драма театрининг режиссёри Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Ладигин ва театр ижодий коллективи худди мана шу масалани спектакльнинг етакчи ғояси қилиб олган.

Тамошобин бутун спектакль давомида партия томонидан Болтиқ флотига юборилган темир иродали комиссар аёлнинг партия теварагига турли кишиларни бирлаштираолучи, одамлардаги бачкана, ярамас, эгоистик одатларнинг йўқалишини та'минлайолучи, яқиндагина анархист бошлиқларга қўрқўрона ишониб, улар кетидан юручи кишиларни пўлат каби синмайдиган, мустаҳкам бир коллективга жипслаштира олишини яққол кўради.

Пьесанинг «Оптимистик трагедия» деб аталиши бежиз эмас. Спектакльда курашда халқнинг энг яхши фарзандлари ҳалоқ бўлсалар ҳам порлоқ келажакка ишонч ғояси жаранглаб турипти. Бутун спектакль давомида гоҳ тантанали, гоҳ қувончли, гоҳ қайғули оҳангда янграб турган кўй тамошобинда оптимистик, хушчақчақ, тетик ҳисларни уйғотади.

Спектакль марказида Коммунистик партия Болтиқ денгизи матрослари орасига юборган аёл комиссарнинг фигураси туради. Артист К. Ламочкина содда, кўркмас, ҳарқандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр турган, коммунизм ғоялари ғалабаси учун курашда ўз ҳаётини ҳам қурбон қилишга тайёр турган партиямизнинг содиқ қизи образини яратаолган. Артист яратган комиссар аёл образи табиий, ҳарқандай ортиқча мелодраматизм элементларидан ҳолидир. Артист ижросидаги ҳаддан ташқари ортиқча осойишталик кайфиятига э'тироз билдириш мумкин, холос.

Кучли ирода эгаси, жангларда чиниққан, ҳарқандай тасодифларга қўникиб қолган кишининг ўлим хавфи юз берган вақтда ҳам совуққонлик қилиши мумкин эмас. Ба'зи вақтларда Ламочкина комиссар образини очиб бериш учун, ички драматик кайфиятларни тўла бераолмайди. Умуман олганда, Ламочкина ижросидаги комиссар образи айрим камчиликларга қарамай, спектакльнинг муваффақиятидир.

Коммунист-матрос Вайнонен ролида ўйнаган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Новицкий революциянинг содиқ солдати образини яратиб берди. Артист атрофда юз бераётган кўпгина воқеаларнинг моҳиятига ҳали тушуниб етаолмайдиган кишининг ма'наний дун'ёсини очабилган. Шу блан бирга Новицкий — революция ишига содиқ бўлган Вайнонен характеридаги асосий хусусиятларни — мардларга хос совуққонлик, коммунистларга хос энг яхши фазилатларни усталик блан акс этдириб берган.

Спектакльда автор идеясини ташучи бошқаручилар образи ҳам катта ўрин олган. Бошқаручи образлар ҳодисаларни шарҳлаб борадилар, гражданлар урушнинг унутилмас йилларида Совет ҳокимияти учун курашган қаҳрамон денгизчилар блан залда ўтирган совет тамошобинлари ўртасида жонли алоқа боғлайдилар. Артистлардан Ю. Данилов ва Л. Стуров ўз вазифаларининг уддасидан чиқаолганлар; улар залда керак бўлган кайфиятни вужудга келтирадилар, саҳнадаги бутун фаолиятлари блан матрослар оммасининг ажралмас қисми, унинг муқаддас фикр ва туйғуларининг ифодачиси эканликларини кўрсатаолганлар.

Артист Ю. Ненашев ижросида мураккаб, психологик қарама-қаршиликлар блан тўла Алексей образи муваффақиятли чиққан. Ненашев ўз қаҳрамони Алексей образини чизар экан, уни ривожланишда, ҳаракатда кўрсатади. Унинг беқарор, анархистик характери комиссар та'сири остида секинлик блан қандай ўзгариб боришини, ундаги энг яхши инсоний фазилатларнинг тарбияланиб боришини тўғри очиб беради. Аммо бу ёш артист автор текстини тамошобинга тўла етказиб бериш ҳақида яна ўйлаб кўриши керак.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Е. Яворский революциянинг ёвуз ва ашаддий душмани Сиплийнинг ҳаққоний образини яратган. Разил Сиплий ўзининг ифлос мақсадларини амалга оширишда хоинлик ва сотқинлик, пасткашлик ва маккорлик блан одам ўлдириш каби энг ифлос усуллардан ҳам тоймайди. Бу ролни ижро этган артист ўз ўйлари, хоҳиш ва ҳатти-ҳаракати блан яшовчи жонли киши образини яратиш ўрнига, ортиқча бўртдириш; золим ва разил шахснинг мелодраматик хусусиятларини кўрсатиш блан овора бўлиб, хато йўлга тушиб қолиши қийин эмас эди. Аммо Яворский бу хавфнинг олдини олган. У яратган образ реалистик, ҳаётий ва ҳаққонийдир.

Сиплий Яворский ижросида разил ва ифлос, шу блан бирга, ҳаётий ва тарихан ҳаққоний фигура бўлиб чиққан.

Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР халқ артисти И. Шквалов анархистлар тўдасининг бошлиғи ролини яхши ўйнаган. Бошлиқ — Шквалов катта жисмоний ва ма'наний кучга эга бўлган киши-дир. Артист анархистлар бошлиғининг курашга қобилиятсизлигидан, ҳатто ғалаба учун зарур бўлган хусусиятлар — ақли, шахсий мардлиги, зийраклиги етишмаганлигидан эмас, балки ноҳақ иш учун, тарихий ҳодисалар натижасида ўлимга маҳкум этилган иш учун курашаётганлиги сабабли мағлубиятга учраганини ишонтирарли қилиб кўрсатиб берган.

Авторнинг фикрича, пьесанинг асосий қаҳрамони улуғ революцион иш олиб бораётган халқ, матрослардир. Театрнинг ижодий коллективи матрослар қатнашадиган оммавий кўринишларни муваффақиятли равишда саҳналаштирган. Бу оммавий саҳналарнинг ҳарбир қатнашчисига спектакльда ёрқин характеристика берилган, Матрослар ролини ўйновчи артистлар саҳнадаги воқеаларни ҳаракатга келтируви асосий кучдир.

Кекса боцман ролини ўйнаган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Котляревский эсда қоладиган ажойиб образ яратган.

Боцман Б. Котляревский ижросида соф виждонли, рус флотига чексиз содиқ киши бўлиб чиққан. Унинг фикри, дун'ёқараши хизмат доираси блан чегараланган. У ҳали Октябрь революцияси натижасида юз берган буюк тарихий ўзгаришларнинг моҳиятини тушунмайди, лекин ватанпарварлик туйғуси, флотда бирнеча йил хизмат қилиши натижасида тарбиланган темир интизоми боцманга ҳақиқат коммунистлар томонида эканлигини, Ватаннинг шон-шарафи ва обрўйига таҳдид қилишга жур'ат этган ҳарқандай душман блан тўқнашувда она юртни ҳимоя қилуви етакчи куч фақат Коммунистик партия эканлигини англашга ёрдам беради.

Спектакльдаги фронтга жўнаётган матросларни кузатиш, асирга олинган офицерларни отиш, бир гуруҳ денгизчиларнинг сон жиҳатидан ортиқ душман кучлари блан олиб борган жанги каби эпизодлар тамошобинда кучли таассурот қолдиради.

Бу яхши спектакль ба'зи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Артист П. Воротняк ижросида кема командирининг образи тўлақонли бўлиб чиқмаган. Артист ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи хислатлари ва сифатлари блан ҳақиқат ким тарафида эканлигини аниқлай олмаган чор флотининг малайи — офицерига ўхшамайди.

Артист П. Капралов ижросидаги руҳоний образи карикатурага айланиб қолган. Бу ролни ўйнаган артист одатдаги, қолипга тушиб қолган приёмлар (характерли нутқ, традицион ҳатти-ҳаракатлар)дан фойдаланади, холос. Вахоланки, бу шаблон приёмлар руҳоний образини тўлалигича очиб беришга қодир эмас. Ўзига хос характерга эга бўлган жонли киши ўрнига бу образ тузсиз, тамошобинни ишонтираолмайдиган схемага айланиб қолган. Спектакльдаги немис офицери (артист Ю. Слободин) образи ҳақида ҳам шуни айтиш керак. Тамошобин бунга ўхшаш немислардан театр саҳнасида ўнларчасини аллақачон кўрган. Образларнинг жонли ва ишонтирарли бўлиб чиқиши учун артист янги-янги ва та'сирчан приёмлар топабилиши керак.

Ёш артист Слободин, шубҳасиз, спектакльда ватанига қайтаётган асир ролини анча дуруст ўйнаган. Аммо тамошобин уни шу спектакльда немис офицери ролида кўрар экан, унинг ижодий жиҳатдан ўз ишини камолотга етказмаганлигидан ранжийди.

Броқ юқорида кўрсатилган камчиликлар бу яхши спектакльдан олинган ижобий таассуротнинг қимматини тушираолмайди.

Театр коллективи Совет ҳокимиятини тиклаш учун олиб борилган унутилмас қаҳрамонона кунлар ҳақида тамошобинни ҳаяжонга солучи, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи яхши спектакль яратган.

Х. КОЖЕВНИКОВ.

Тошкент магистралининг новаторлари тўғрисида техника фильми

Тошкент темир йўли бўлимининг клубларида ва Қизил бурчакларида «Ташкент-пассажир станциясида поездларни сафарга тезкорлик блан тайёрлаш» деган янги техника фильми катта муваффақият блан кўрсатилмоқда. Бу фильм поездларни сафарга жўнатиш учун тезкорлик блан тайёрлаш соҳасида Тошкент магистралининг новаторлари қўлланган усул ҳақида сўзлаб беради.

Ўтган йили Тошкент-пассажир станциясининг коллективи поездларни жўнатишга жадал усул блан тайёрлаш ҳисобига 200 минг вагон-соатга яқин вақтни тежади.

Ҳозирги вақтда, СССР Олий Советига бўладиган сайлов шарафига давом этаётган социалистик мусобақа кунларида, Тошкент темирйўлчилари меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришдилар. Ҳамма транзит поездларининг 85 процента жадал методлар блан жўнатишга тайёрланмоқда. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ РАҲБАРИ ВА ЙЎЛБОШЧИСИ

Умумхалқ байрами куни — мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советига сайлов куни яқинлашмоқда. Совет халқи бу тарихий кунни Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, коммунизм қуриш йўлида ижодий ғайратга тўлиб-тошган бир вазиятда кутиб олмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаати халқимизнинг ижодий ғайратини, сиёсий активлигини янада ошириб юборди, экономика ва маданияти мавж уриб юксалаётган мамлакатимиз шон-шуҳратини янада кўтариш йўлида фидокорона ишлаш ва курашга илҳомлантирди.

Чунки совет халқи улуғ Ленин барпо қилган ўз Коммунистик партиясини жондан ҳам азиз севади, ўзининг курашда синалган ва доим ғалаба келтируви раҳбари ва йўлбошчиси деб билади. Совет халқи Коммунистик партиямизни давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб, халқ манфаати йўлида фидокорона курашучи, халқ блан чамбарчас боғланган, халқимизни коммунизмнинг нурли чўққилари сари бошлаб бораётган раҳнамо ва йўлбошчи, деб билади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси революция генийси Ленин томонидан тузилди ва чиниқтирилди. В. И. Ленин партияни пролетариатнинг раҳбар ташкилоти, унинг қўлидаги асосий қурол эканлиги тўғрисидаги та'лимотни марксизм тарихида биринчи марта ишлаб чиқиб, жанговар, революцион марксистик партияни, оппортунист-реформист партиялардан принципиал фарқ қиладиган янги типдаги партияни вужудга келтирди. Янги типдаги партия бўлган Коммунистик партиямиз партия душманларига қарши шафқатсиз курашда ўсди ва чиниқди, ишчилар синфининг чинакам раҳбари ва йўлбошчиси эканлигини тўла намоён қилди.

Коммунистик партиямиз гениал Ленин раҳбарлигида Россия ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқини уюштириб, 1917 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини та'миндаи, ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатини вужудга келтирди.

Октябрь революциясининг ғалабаси инсонят тарихида янги давр, социализм даврини бошлаб берди. Коммунистик партия революция натижасида озод бўлган ишчи ва деҳқонларни онгли тарихий ижодий ишларга отлантирди, янги, социалистик жамият қуришга илҳомлантирди.

Совет халқи тинч, социалистик қурилишга бирдан киришаолмади. Халқаро империализм ёш Совет давлатини йўқ қилиш, ишчи ва деҳқонларнинг курашиб қўлга киритган ғалабаларидан маҳрум қилиш учун Ватанимизга қарши ҳарбий интервенция уюштирди. Гражданлар урушининг оғир йилларида ҳам Коммунистик партия Ватаннинг озодлиги учун жанг қилган халқимиз эришган ғалабанинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди.

Коммунистик партия гражданлар урушн тамом бўлиши блан дарҳол Ленининг социализм қуриш планини амалга оширишга халқ оммасини сафарбар қилди, мамлакатимиз меҳнаткашларини социализм йўлидан олға бошлаб борди. Коммунистик партия В. И. Ленин ишининг улуғ давомчиси И. В. Сталин бошчилигидаги Марказий Комитет раҳбарлиги остида партия ва халқ душманларини тор-мор қилиб, мамлакатимизда социалистик жамият қуришни та'мин этди.

Ватанимизга немис-фашист босқинчилар ҳужум қилган оғир йилларда Коммунистик партия халқимизни фашист босқинчиларга қарши курашга илҳомлантирди, герман фашизми ва япон империализми устидан қозонган тарихий ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди.

Мамлакатимиз меҳнаткаш лари Коммунистик партия раҳбарлигида урушдан кейинги қисқа вақт ичида уруш келтирган вайроналикларни тузатди, халқ хўжалигини тиклаб, экономика ва маданиятимизни юксалтириш соҳасида олға қараб жуда катта қадам ташлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XIX с'езди Совет халқининг кураш ва ғалабаларига якун ясади ва мамлакатимизнинг янада олға қараб ҳаракат қилишининг буюк программасини белгилаб берди. Эндиликда Коммунистик партия мамлакатимиз ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаб, совет халқини коммунизм сари олға бошлаб бормоқда.

☆

Коммунистик партиямизнинг кучи шундаки, у ўзининг бутун фаолиятида Маркс — Энгельс — Ленин — Сталининг дун'ёня ўзгартируви, ғолиб ва қудратли, революцион та'лимотига амал қилади. Партиямизни вужудга келтирган гениал Ленин фақат илғор революцион назария блан қуролланган партиягина илғор курашчи ролини бажараолади, деб та'лим берди.

Партиямизнинг бутун тарихи ҳаракатдаги марксизм-ленинизмдир. Партиямиз сиёсати ижтимоий тараққиётнинг об'ектив қонунларини билиб, унга амал қилиб иш кўришга таянади. Партиямиз ишлаб чиққан ва амалга ошираётган сиёсат марксча-ленинча назарияга амал қилганлиги, жамиятнинг об'ектив иқтисодий қонунларига таянганлиги, халқ оммасининг ижодий, революцион ғайратига суянганлиги учун ҳам энг тўғри сиёсатдир.

Коммунистик партиянинг кучи ва енгилмаслигининг манбаи шундаки, партиямиз ўз фаолиятида марксизм-ленинизмнинг халқ оммасининг ижтимоий тараққиётда ҳал қилучи роль ўйнаши, халқ — тарих яратучи эканлиги ҳақидаги илмий, материалистик та'лимотига амал қилади. Партиямиз шунга асосланадики, ҳаётнинг барча ноз-не'матини вужудга келтируви ишчилар ва деҳқонлар чинакам тарих яратучидирлар, «Шовқин-суронсиз аллақанча завод-фабриклар, конлар ва темир йўллар, колхоз ва совхозлар қураётган, турмушнинг ҳамма не'матларини вужудга келтираётган, бутун дун'ёни тўйдириб, кийинтириб турган ишчи ва деҳқонлар, — чинакам қаҳрамонлар ва янги ҳаёт яратучилар ана шулардир» (Сталин). Шу сабабдан ҳам Коммунистик партия марксизмга хилоф бўлган шахсга сиғиниш назариясини, омманинг ижодий ташаббуси, ғайратини инкор қилишни идеалистик назария, деб қоралайди.

Ана шунинг учун Коммунистик партия ўзининг бутун фаолиятида , халқнинг ишончига, халқ оммасининг ижодий ғайрати ва активлигига таяниб келди ва таянмоқда. Партия халқ блан чамбарчас боғланганлиги туфайли кучлидир. Партия, дейилади КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатида, халқ блан чамбарчас ва маҳкам боғланган. Партия, ҳукумат ва халқнинг улуғ бирлиги — барча ғалабаларимизнинг ҳаётбахш манбаи, коммунизм йўлида эўр ишонч блан олға ҳаракат қилиб боришимизнинг негизидир.

Коммунистик партия ўзининг халқ оммасига раҳбарлик ва йўлбошчилик қилиш вазифасини партия раҳбарлигининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган принциплари ва партия ҳаёти қоидаларига қаттиқ амал қилгандагина муваффақиятли бажараолади. Партия ташкилотлари партия қурилишининг ана шу қоидаларини сўзсиз амалга ошириса лар гина, партия раҳбарлигининг олий принципига — раҳбарлик қилишдаги коллективчиликка, партия Уставининг барча талабларига қаттиқ риоя қилса лар гина ҳаётимизнинг барча соҳаларида меҳнаткашлар оммасининг ижодий фаолиятига тўғри раҳбарликни та'мин қилаоладилар. Ана шунинг учун Коммунистик партиямиз ўзининг фаолиятида марксча-ленинча назариянинг илмий асосига ва раҳбар кадрларнинг кенг ташаббусига таянучи Марказий Комитетнинг коллектив тажрибаси, коллектив доницмандлигина партияга ва мамлакатга тўғри раҳбарлик қилишни та'минлайди, партия сафларининг мустаҳкам бирлиги ва жипслигини, мамлакатимизда коммунизмнинг муваффақиятли қурилишини та'минлайди, деган фикрга асосланиб иш кўрмоқда.

Партия раҳбарлигининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган принциплари ва қоидалари чинакам халқ партиясининг, халқ оммаси блан чамбарчас боғланган партиянинг энг ажойиб фазилатидир. Бу принциплар Коммунистик партиянинг ташкилий принциплари блан, партия ички демократиясининг изчил амалга оширилиши блан узвий боғлангандир. Бу принцип ва қоидалар партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқид, айниқса қўйидан бўладиган танқидни кучайтириш блан маҳкам боғлангандир. Танқид ва ўз-ўзини танқид коллектив раҳбарликни яхшилашнинг, омманинг ижодий ғайратини оширишнинг қудратли воситасидир. Партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса қўйидан бўладиган танқидни кучайтириш ишдаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашга, уларни бартараф қилишга, коммунистик қурилишда катта муваффақиятларга эришишга ёрдам беради. Коммунистларни ва барча меҳнаткашларни марксча-ленинча тарбиялаш, кадрларнинг ғоявий-назарий савиясини кўтариш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш партия раҳбарлигини яхшилашнинг, коммунистик қурилишда ғалабага эришувимизнинг муҳим шартидир.

Коммунистик партиямиз айниқса ҳозирги вақтда, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтаётган даврда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга катта аҳамият бермоқда. Бизда кишилар онгида капитализм қарқитлари ҳали тамомила йўқотилган эмас. Капиталистик қуршов мавжуд экан, турли буржуа қарқитлари, ёт қарашлар, идеялар, миллатчилик ва диний хурофотлар орамизга суқулиб кириш ва интилади. Коммунистик партиянинг бутун сиёсий-тарбиявий фаолияти ана шу қарқитларни батамом тугатишга, меҳнаткашларни социалистик Ватанга, партияга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга, халқимизни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Маркс — Энгельс — Ленин—Сталининг буюк та'лимоти партиямизга енгилмас куч беради, истиқболни равшан кўришни, ғалабага тезроқ эришиш ва уни мустаҳкамлашни ўргатади.Шунинг учун марксизм-ленинизм назариясини қунт блан ўрганиш, ўзининг ғоявий-назарий савиясини тинмай ошириш ҳарбир коммунистнинг муқаддас вазифасидир.

☆

Гениал Ленин раҳбарлиги остида, Ленининг шогирди ва унинг ишларининг давомчиси улуғ Сталин ҳамда уларнинг сафдошларининг раҳбарлиги остида жанг-ларда чиниққан Коммунистик партия совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи сифатида совет халқининг коммунизм қуриш йўлидаги курашига раҳбарлик қилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Уставида эндиликда партиямиз олдида турган асосий вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифалар социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўли блан коммунистик жамият қуришдан, жамиятнинг моддий ва маданий даражасини доимо юксалтириб боришдан, жамият а'золарини интернационализм руҳида барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар блан қардошлик алоқаларини ўрнатиш руҳида тарбиялашдан, совет Ватанини, унинг душманларининг агрессив ҳаракатларидан актив мудофаа қилишни ҳартарафлама мустаҳкамлаб боришдан иборат.

Партиямиз КПСС XIX с'езди қарорлари асосида бу буюк вазифаларни амалга оширмоқда, меҳнаткашлар оммасини олдимизда турган тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг, СССР Олий Совети V сессиясининг тарихий қарорлари, партия ва ҳукуматнинг сўнгги қарорлари Коммунистик партия олдида турган вазифаларни амалга оширишнинг конкрет программасидир.

Бу тарихий қарорларда Коммунистик партиямизнинг меҳнаткашлар ҳаётини тобора фаровон қилиш тўғрисидаги буюк ғамхўрлиги яққол ифодаланган. Ички сиёсат соҳасида бизнинг энг асосий ғамхўрлигимиз, — деган эди ўртоқ Маленков — ишчиларнинг, колхозчиларнинг, интеллигенциянинг, барча совет кишиларининг моддий фаровонлигини оғишмай янада яхшилаб боришдан иборат. Халқ бахт-саодати тўғрисида, унинг моддий-маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш тўғрисида тинмай доимо ғамхўрлик қилиш вазифаси — партиямиз ва ҳукуматимиз учун қонундир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати яқин икки-уч йил ичида аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари блан мўл-кўл та'миндаш, халқ исте'моли учун зарур бўлган барча моллар блан анча кўп та'миндашни кечиктириб бўлмайдиган вазифа деб ҳисобладилар.

Бу вазифани муваффақиятли бажариш қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришни талаб қилди. Шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорида ва партия ҳамда ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисидаги кейинги қарорларида социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини, биринчи ғалда чорвачи, лихни тез ривожлантириш ҳамда сабзавот етиштиришни кўпайтириш юзасидан жанговар, конкрет программа ишлаб чиқилди.

Ҳозирги вақтдаёқ биз партия ва ҳукуматимизнинг бу тарихий қарорлари муваффақиятли бажарилаётганлигини яққол кўриб турибмиз. 1953 йилда, айниқса йилнинг иккинчи ярмида халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари 1952 йилдагига нисбатан гоят тез ривожланди. 1952 йилда ана шу маҳсулотлар 10,5 процент ортган бўлса, 1953 йилнинг иккинчи ярмидаёқ 14 процент кўпайди. 1953 йилнинг ўзидагина халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган 300 га яқин янги корхона ишга туширилди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан буён ўтган ярим йил ичида қишлоқ хўжалиги юксалди, унинг моддий-техника базаси ўсди. 1953 йилда қишлоқ хўжалиги умумий ишларни бажарадиган 139 минг трактор (15 от кучидаги трактор ҳисобида), 18 минг чопиқ трактори, 41 минг ғалла комбайни, 69 минг юк автомобили ва бошқа асбоб-ускуналар ҳамда ўғит олди.

Кейинги икки йил ичида, айниқса партия ва ҳук

ФЕЛЬЕТОН

МУТАШ

Буфетчица Миронова ҳаргалги одати бўйича клиентларга ичимликни кам қуйди. Биринчи бакалдаги 150 грамм деб қуйилган ароқ 120 грамм, иккинчи бакалдаги 200 грамм дейилган ароқ 150 граммдан сал зиёдроқ чиқди. Клиентлар бу ҳолга ҳайрон бўлдилар ва Мироновани нинг тўғри қуйишини талаб этдилар. Буфетчица-ку, шу пайтда қўлга тушишга тушди. Лекин ўсал бўлиб қизормади ҳам, чаккасидан тер ҳам чиқмади, аксинча, у ўзини зўр бериб оқлаб, «кимга айтасан» демасдан безрайиб тураберди.

Клиентларнинг виждони азобга тушди. Улар акт тузишга киришдилар. Миронова кўрдики, иш чаппасидан келадиган. Шундан кейин дарров бошқа йўлга ўтди. Клиентларнинг «қўрслиги» учун «тегишли жойларга» шикоят қилишини айтди, шовқин-сурон кўтарди, ҳалиги ароқ кам қуйилган бакалларни полга отиб юборди. Идиш, бакаллар чил-чил синди. Акт тузиш учун асос қолмади. Барибир, бу иш Октябрь район прокурорига ҳавола қилинди. Лекин афсуски, у жойда Мироновани қоралайдиган асос топилмаган...

Бу воқеа 1952 йилда бўлган эди. Ана шу-шу, бу жиноий ишнинг тепасига қозон тўнтарилди. Миронова ҳамон ўша «Шарқ» ресторанида буфетчица бўлиб ишлайди, клиентларни ҳамон боплаганини-боплаган.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак урди, «Шарқ» ресторанида Мироновани нинг «уриб қолиш» бобидаги тажрибасига қизиқучилар, ўшанга қараб қадам ташловчи кишилар ҳам пайдо бўлиб қолди. Мана, сизга официант С. Короченко. У, чаққон ишлайди, нима заказ қилсангиз елиб-югуриб дарров тайёр қилади. Аммо ҳисоб-китобга келганда ҳаром томири бирдан уриб қолади. Айтайлик, сиз 6 сўмлик овқат единг. У бўлса сиздан 10 сўм сўрайди. Сиз таажжубга тушасиз ва:

— Ҳисобингиз нотўғри. Бошқатдан сананг! — дейсиз. У чўнтагидан кичик дафтарчасини чиқаради, қаламини қўлига олади, ҳисоблаб кетади.

— Э, кечирасиз, мен янглишибман, — дейди. Бу официант шунақа, нуқул ўзининг фойдасига «янглишади», бирон марта, мундоқ бир кўнгил учун бўлса ҳам бировнинг фойдасига янглишмайди. Шу йил 5 февраль куни Келесдан келган Избоев, Дўсанов деган кишиларга нисбатан ҳам шу хилда «янглишиб» кетди. 25 сўм ўрнига 28 сўм 30 тийин олиб қолди. Ш. Мансуров, М. Комилов деган клиентлар мастава, курка гўшти, нон сўраган эдилар. Бу таомларнинг ҳаммаси 20 сўм 10 тийин турарди. Лекин бизнинг тез-тез янглишиб турадиган «ҳурматли» официантимиз ҳисоб-китоб вақтида клиентларнинг ёнига келди-да, жиддий равишда:

— 23 сўм 70 тийин! — деди.

Ана шу ерга келганда сизда ҳойна-ҳой бир савол туғилади. Биз у саволни олдиндан биламиз. «Ресторан директори ўртоқ Тўрабеков наҳотки шу олди-қочди воқиалардан хабарсиз бўлса!?» демоқчи бўласиз, албатта. Э, омон бўлинг. Содда экансиз! Директор бўлади-ку, бу воқиалардан хабарсиз қоладими? Ахир ўзингиз ўйланг, сиз блан биз «Шарқ»қа аҳ'ён-аҳ'ёнда бир кириб қолиб қанчаданқанча шикоят эштамиз, директор кундузи ҳам, кечқурун ҳам ўша ерда ўралашиб юриб, ҳечнарсани сезмайди дейсизми? Овқатланучиларнинг ҳақидан уриб қолинаётганлигини кўриб икки кўзни чирт юмиш, ўнлаб шикоятларни эшитиб туриб қулоққа пахта тиқиш бир нарсани англатади, холос. «Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур?» деган ҳикматли сўзни эшитганмисиз? Бали! Ана шуни билсангиз бас. Бир балоси бор!

«Урди-урди»ку, бу ресторанда жуда авжида. Хўш, овқат сифати қанақа? Сиз айтманг, биз эштмайлик. Ўзингиз яхши биласиз, бизда нима сероб — продукта сероб, нима мўл — сабзавот мўл. Аммо «Шарқ»даги овқатларнинг ранги ўчган, қони қочган, ундан маза-матра ахтариб ўзингизни қийнтмасангиз ҳам бўлади.

Агар сиз шикоят дафтарини варақлайдиган бўлсангиз, турли-туман гапларни эшитасиз. Мана, Иброҳимов деган клиент менюга қараб гуруч аралаш пиширилган тил сўрапти. Тотиб қараса гуруч ҳам, тил ҳам хом пиширилганидан кирткирт қиларкиш. Бунинг устига овқатга туз солиш ошпазларнинг хаёлидан кўтарилипти. Клиент шундан кейин овқатни олдидан суриб қўйипти-да, пулини тўлаб чиқиб кетаберипти.

Повитов деган бир клиент шу йил 12 январьда шикоят дафтарига мана бундай деб ёзиб қўйипти: «Бу қандай гап? «Шарқ» — район бўйича намунали ресторан бўлса-ю, наҳотки бу ерда патирдан бошқа нон топилмаса! Дастурхонлар ифлос, овқатлар лаби учган тарелкаларда берилади».

Яна бир гап чиқиб қолди. Ресторанда иккита зал бор. Бири «большой», иккинчиси «малий». «Большой» залда 16 та стол, шунга лойиқ стул бор. Столларнинг тепасида кир бўлса ҳамки, дастурхонлар ёзиб қўйилган, менюлар ҳам топилади. «Малий»да эса стул кам, столлар дастурхонсиз, ялангоч туради. Туз, қалампир, меню қўйилмаслиги тўғрисида гапиримаса ҳам бўлади. Қизиқ, «малий» залнинг нима учун «ўгай» қилиб қўйилганлигига тушуниб бўлмайди.

Ресторан директори Қ. Тўрабеков-ку, сув тошганда тўпиғига чиқмайдиган анча хотиржам кишилардан экан, ошхона-ресторанлар трестининг директори Н. Пўлатов, район савдо бўлимининг мудири А. Аҳмадбековлар-чи? Нега улар мана шунга ўхшаш ресторанларга бир қиё боқмайдилар?

Бир қиё эмас, ўн қиё ҳам боқадилар. Аммо у қиёлар қанақа қиё? Бу қиё орачора қовоқ-думоқ қилиб кириб, охирида лола хандон бўлиб чиқиб кетишдан иборат. На овқат сифати текширилади-ю, на шикоят дафтари варақлаб кўрилади.

Ана, бу ресторандан кимлар қўйинқўйнжини тўлдириб чиқади-ю, кимлар бор-будини олдириб чиқади!

Ҳ. БОБОЖОНОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Педагогика кабинети учун қачон бино ажратилади?

Ўртачирчиқ районидаги умумий та'лим мактабларида 350 дан ортиқ ўқитучи ёш авлодга та'лим беришдек шарафли вазифани бажармоқда. Педагогик ишда тажрибаларни ўртоқлашиш, энг яхши методларни ўрганиш, ўқитучилик малакасини такомиллаштириб боришда педагогика ва методик кабинетнинг роли каттадир.

Ўртачирчиқ район маорифи бўлими ёнида ҳам педагогика кабинети бор. Аммо бу кабинет бирнеча йилдан буён дурустроқ бинога эга эмас. Бу ҳақда район ташкилотларига юборилган хат ва талаблар ҳамон оқибатсиз қолиб келмоқда. Ўртачирчиқ район ижроия комитети ўқитучиларнинг бирдан-бир ма'навий озиқ оладиган район педагогика кабинетини мувофиқ бино блан та'минлаш тўғрисида қайғирмаётир.

Х. ШАРИПОВ,
Район педагогика кабинети мудири.
Н. С. ТЕН.
Педкабинет методисти.

СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили А. Я. Вишинскийнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати СССР доимий вакили А. Я. Вишинскийнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари номига ёзган мактубини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида нашр этди.

Мактубда айтилишича, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги ваколатхонаси иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг 17нчи сессиясининг дастлабки кун тартиби ҳақида бош секретарьнинг меморандумига асосланиб билдирадики, СССРнинг бу сессияда қатнашадиган делегацияси сессиянинг кун тартибига «Халқаро савдодаги қийинчиликларни йўқотиш ҳақида ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш воситалари тўғрисида»ги масалани киритишни таклиф этади.

СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги ваколатхонаси бош секретарьдан бу таклифни 17-нчи сессияда кун тартибини тасдиқлаган вақтда кўриб чиқиш учун кенгашга ҳопширишни сўрайди.

Бу мактубга СССР делегациясининг изоҳат хати илова қилинган. Изоҳат хатида бу таклиф асослаб берилади.

Изоҳат хатида бундай дейилади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг делегацияси иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг процедура қоидаларига мувофиқ, 17-нчи сессиянинг кун тартибига «Халқаро савдодаги қийинчиликларни йўқотиш ҳақидаги ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш воситалари тўғрисида»ги масалани ўзининг характери жиҳатидан муҳим ва шошилинч масала сифатида киритишни такдиф этади.

СССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларини назарда тутиб ва жумладан Уставнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги халқаро проблемаларни ҳал этишга доир 55-нчи ва 56-нчи моддаларига амал қилиб, иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ўзининг бўладиган 17-нчи сессиясида бу масалани муҳокама қилиш ва халқаро савдодаги қийинчиликларни йўқотишга ҳамда миллатлар ўртасидаги тинч дўстона муносабатларни кенгайтиришга қаратилган рекоминдациялар қабул қилиши муҳим деб ҳисоблайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бунда шу нарсани кўзда тутадики, савдо-сотиқ барча мамлакатлар ўртасида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий структураси бошқа-бошқа бўлишидан қат'ий назар, тотув муносабатларни ривожлантиришнинг соғлом ва мустаҳкам асосидир.

Яна шу нарса ҳам ма'лумки, халқаро савдо-сотиқдаги қийинчиликларнинг йўқотилиши ва иқтисодий ҳамда ижтимоий кенгашнинг халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун конкрет рекоминдациялар ишлаб чиқиши халқаро вазнятдаги кескинликни камайтиришга ёрдам берур эди ва бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга хизмат қилур эди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг делегацияси «Халқаро савдодаги қийинчиликларни йўқотиш ҳақида ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш воситалари тўғрисида»ги масалани иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг 17-нчи сессияси кун тартибига киритишни таклиф этиши блан бирга, бу масаланинг конструктив равишда муҳокама қилиниши барча мамлакатларнинг манфаатларига, барча халқлар ўртасидаги халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб чуқур ишонч билдиради».

Берлин кенгаши ҳақида Германия Коммунистик партияси правлениесининг баёноти

БЕРЛИН, 26 февраль. (ТАСС). АДН агентлиги Дюссельдорфдан олиб билдиради.

23 февральда Германия Коммунистик партияси правлениесининг мажлисида тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгаши ҳақида баёнот қабул қилинди. Баёнотда бундай дейилади:

Ташқи ишлар министрларининг кенгаши немис халқига унинг дўсти ким ва душмани ким эканлигини тушуниб олиш имкониятини берди. Кенгашнинг бориши кўрсатдики, Германияни миллий жиҳатдан қайтадан бирлаштириш тинч демократик асосдагина мумкин, лекин бунинг учун немис халқи бу ишни ўз қўлига олиши, керак.

Сўнгра баёнотда бундай деб та'кидлаб ўтилади: В. М. Молотовнинг конструктив таклифлари Германиянинг шарқидаги ва ғарбидаги миллион-миллион немисларнинг ҳоҳишига жавоб беради. «Аденауэр коалициясидаги сиёсатдонлар,—дейилади сўнгра баёнотда,—ташқи ишлар министрлари кенгашининг чақирилмай қолишига эришиш ва уни натижасиз қолдириш учун бор кучларини сарфладилар. Улар Даллес блан биргаликда махфий найрангларни ишлатдилар ва немис халқининг овози эшитилмасдан қолиши учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилдилар. Халққа бошчилик қилаётган ва милитаризация ҳамда фашизация сиёсатига қарши, демократия учун, бирлик ва тинчлик учун курашаётган барча немисларни ана шу сиёсатдонлар қувғин остига олдилар».

«Берлин кенгаши шуни кўрсатдики,—дейилади баёнотнинг охирида, — зўравонлик сиёсати барбод бўлишга маҳкумдир. Музокаралар олиб борилиши мумкин. В. М. Молотовнинг таклифларида немис халқига бахтли истиқбол йўли кўрсатилган. Агар немис халқи бирлашган немис ишчилар синфи раҳбарлигида Аденауэрнинг сиёсатига барҳам берса ва Германияни тинч йўл блан бирлаштириш масаласини ўз қўлига олса, немис халқи яқин фурсатда ана шу йўлдан бораолади. Шу блан Европа хавфсизлиги ишига ва бутун дун'ёда тинчлик ишига ҳал қилучи катта ҳисса қўшилган бўлади».

ПОЛЬША ДАВЛАТ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ РАДА НАРОДОВАЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

ВАРШАВА, 26 февраль. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг давлат совети ва Министрлар совети қишлоқ рада народовалари ташкил этишга тайёргарлик кўриш ҳақида биргаликда қарор қабул қилдилар. Қарорда айтилишича, давлатнинг ҳозирги мавжуд ма'мурий бўлинишида волость рада народовалари давлат ҳокимиятининг қишлоқдаги қуйи органи ҳисобланади. Броқ, волость одатда кўп қишлоқларни ўз ичига олган йирик ма'мурий бўлинмадир.

Бундай шароитда волость рада народоваларини ўз вазифаларини бажарган вақтда анча катта қийинчиликларга дуч келадилар. Шу блан бирга давлат ҳокимиятининг қишлоқдаги қуйи органлари олдида кенг деҳқонлар оммасининг ижодий ташаббускорлигини ва активлигини янада ривожлантириш соҳасида, аҳолининг эҳтиёжларини кун сайин ва ҳартомонлама қондириш соҳасида муҳим вазифалар турибди.

Шу мақсадда Давлат совети ва Министрлар совети қишлоқ рада народовалари ташкил қилиш, шу блан бирга волостьларни ва волость рада народоваларини тугатиш зарур деб топдилар.

Ма'мурий бўлинишнинг бу хил ўзгартирилиши меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг давлатни бошқаришга кенгроқ қатнашиши имкониятини беради, давлат ҳокимиятининг қишлоқдаги органларини аҳолига янада яқинлаштиради, ишчилар блан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу қарорни амалга ошириш учун жойларда комиссиялар тузилади. Давлат совети ва министрлар советининг ма'мурий бўлиниш ишлари комитети ҳам тузилди. Бу комитетга Давлат совети а'зоси Р. Замбровский раис қилиб тайинланди.

СУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

БАЙРУТ, 26 февраль. (ТАСС). «Аннахор» газетаси махсус сонида қуйидаги хабарни билдирди: Ливаннинг обрўли доиралари Дамашқдан расмий ахборот олганлар. Бу ахборотга қараганда Сурия армиясининг Сурияннинг Шимолий қисмида, шунингдек Алеппо шаҳрида ва унинг атрофларида жойлашган қисмлари Шишеклининг ҳозирги режимига қарши қўзғолон кўтарганлар. Қўзғолончи қисмлар Алеппода радио станциясини босиб олганлар ва Шишеклини огоҳлантириб, унда қон тўкилишига йўл қўйилмаслик учун республика президенти вазифасидан воз кечишни ва мамлакатдан жўнаб кетишни талаб қилганлар.

«Алислоҳ» газетасининг Алеппо радиосига асосланиб берган хабарига қараганда, Сурия армиясининг мамлакат шимолидаги юқори даражали офицерлари мамлакатнинг шимолий райони Шишекли мамлакатдан жўнаб кетгунча Сурияннинг қолган қисмидан ажралган деб э'лон қилганлар.

Матбуотнинг ёзишича, қўзғолон Алеппо, Латакия, Хомс, Хама шаҳарларига ёйилган. Хабарларга қараганда, Сурия армияси қисмларининг командирларидан бир группаси ва Сурия сиёсий арбобларидан бирқанчаси Хомс шаҳрида чақирилган кенгашда Хошим Атасийни Сурияннинг президенти деб э'лон қилганлар.

ЛОНДОН, 26 февраль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Дамашқдаги мухбири берган хабарга қараганда, генерал Шишекли исте'фо берган ва кеча кечқурун самолётда Суриядан чиқиб кетган.

Будапештдаги В. И. Ленин номли институтнинг илмий сессияси

БУДАПЕШТ, 26 февраль. (ТАСС). Будапешт давлат университети ҳузуридаги В. И. Ленин номли институтда В. И. Ленин вафот этган кунининг 30 йиллиги муносабати блан илмий сессия очилди.

«В. И. Ленининг партия тўғрисидаги ва партия раҳбарлигининг принциплари ҳақидаги та'лимоти» темасида профессор Я. К. Павлов доклад қилди. «В. И. Ленин ва венгер ишчилар ҳаракати» темасида Венгрия ишчилар ҳаракати институтининг директори Ласло Рети доклад қилди.

Сессиянинг кун тартибида қуйидаги докладлар бор: «Нэп тўғрисидаги ленинча та'лимотни Венгрияда татбиқ қилиш», «Венгрияда В. И. Ленининг ҳаётини ва фаолиятини ўрганиш тўғрисида», «Венгрия Халқ Республикаси тараққиётининг янги даврида қишлоқда социалистик қурилишнинг ленинча программасини татбиқ қилиш», «В. И. Ленин — миллий масала назарияси ва программасининг ижодкори» ва ҳоказо.

Индонезия коммунистик партиясининг с'езди олдидан

ЖАКАРТА, 26 февраль. (ТАСС). «Хариан ракьят» газетаси хабар беради: Ҳозирги вақтда мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида Индонезия Коммунистик партиясининг с'ездига тайёргарлик кўрилмоқда. С'езд март ойининг иккинчи ярмида бўлади. Ишчилар, деҳқонлар ва ёшлар ўртасида с'ездга қизиқиш қўпгина катта. Улар компартиянинг программа проектини, шунингдек компартия бош секретари Айдитнинг докладини ўрганмоқдалар. Жокьякартанинг ўзидагина программа ва Айдитнинг доклади 120 минг нусҳадан кўпроқ тарқатилди.

Корея Халқ-Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг қарори

ПХЕНЬЯН, 26 февраль. (ТАСС). Корея Халқ-Демократик Республикасининг Министрлар кабинети ишчилар, инженерлар ва хизматчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида уларнинг ишҳақига устама ҳақ белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Саноатда, қурилишларда, транспортда, алоқа корхоналарида, қишлоқ хўжалигида ва савдо ишларида, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ва давлат муассасаларида ишлаётган ишчилар, инженерлар ва хизматчиларга шу йил 1 апрельдан бошлаб асосий ишҳақларининг 25 проценти миқдорида устама ҳақ тўланади.

Шу блан бирга уй-жой биноларини иситиш учун ишлатиладиган кўмирнинг давлат нархи 20—30 процент камайтирилди.

КОРЕЯДА РЕПАТРИАЦИЯ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН БЕТАРАФ КОМИССИЯСИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ РАВИШДА ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СИНЬХУА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПЕКИН, 26 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Кэсондан хабар беради:

Репатриация юзасидан тузилган бетараф комиссия 21 февральда соат 24 да ғайриқонуний равишда тарқатиб юборилди. Ҳолбуки, комиссия «Репатриация юзасидан тузилган бетараф комиссиянинг компетенцияси ҳақидаги битим»да кўзда тутилган функция ва вазифаларини ҳали охиригача бажаргани йўқ эди.

Репатриация юзасидан тузилган бетараф комиссиянинг раиси генерал-лейтенант Тимайя 23 февральда самолётда Кореядан Япония орқали ўз юртига учиб кетди. Шу куни Ҳиндистон соқчилик қўшинларининг кейинги контингенти ҳам ўз юртига жўнаб кетди. Генерал Тимайя жўнаб кетиш олдидан ўтказилган матбуот конференциясида Америка томонининг Тонжанни лагерига ҳарбий асирлар ўртасидаги тушинтириш ишларини барбод қилиш ниятида жуда кўп агентларини юборганлигини яна бир марта эслатиб ўтди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ РАҲБАРИ ВА ЙЎЛБОШЧИСИ

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Лекин бу ишлар ҳали меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш, бу соҳада кескин бурилиш ясаш ишида қўйилган биринчи қадамларднр, холос. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, айниқса дон хўжалигини, чорвачилик, пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида катта вазифалар турипти.

СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида» чиқарган қарори Совет Ўзбекистонининг экономикаси ва маданиятини яшнатиш ҳақида партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Бу қарор Ўзбекистон партия ташкилоти зиммасига жиддий вазифа юклади. Республикамиз Ватанга 1954 йилда 3 миллион тоннагача, 1955 йилда 3,3 миллион тоннагача, 1958 йилда 4,2 миллион тоннагача етказиб пахта ҳосили бериши керак. Бу — республика меҳнаткашларининг Ватанимиз иқтисодий-ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси бўлади, бу — республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кескин бурилиш ясаш ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини муваффақият блан бажариш бўлади.

«Совет Социалистик тузуми мамлакатимизнинг экономикаси ва маданиятини янада зўр бериб ривожлантириш учун, халқнинг фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун жуда катта, ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас имкониятлар беради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятининг бундан буён ҳам ҳартомонлама тараққий этишини, мамлакатдаги ишлабчиқариш кучларининг тўхтовсиз ва тез ривожланишини та'минлаш учун ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишни ўзининг асосий ва энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Совет халқи мамлакатнинг ишлабчиқариш кучларини нечоғлиқ ривожлантирса, саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз шу қадар кўп маҳсулот беради, маҳсулотлар мўл-кўллигини вужудга келтиришдан иборат буюк вазифа шу қадар тез ҳал этилади ва мамлакатимизда коммунизмнинг ғалабаси та'миланади». (КПСС Марказий Комитети Мурожаатидан).

Коммунистик партия бу буюк вазифаларни муваффақиятли бажариш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, Совет давлати куч-қудратини янада ошириш учун ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқини, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини, мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг бузилмас дўстлиги ва иттифоқини янада мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. СССР халқлари ўртасидаги дўстлик кўпмиллатли социалистик давлатимиз асосларининг асоси ва қардош халқларимиз эришаётган ғалабаларнинг негизидир. Шунинг учун Коммунистик партия мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни кўз қорачуғидай сақлайди ва бу дўстликни янада мустаҳкамлашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Украинанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллигини бутун мамлакатимиз халқлари зўр байрам қилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Улуғ оғамиз — рус халқи раҳбарлигида мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликнинг тобора мустаҳкамланаётганлиги ғалабаларимизнинг гаровидир.

Социалистик тузум яратган барча имкониятлар, совет халқининг Коммунистик партия етакчилигида эришган буюк ғалабалари жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. Гениал Ленин большевизм ҳамма учун тактика намунасидир, деб та'лим берган эди. Айниқса ҳозирги тарихий даврда, Хитой ва Кореядан тортиб то Чехословакия ва Венгриягача халқ демократияси мамлакатларидан иборат янги «зарбдор бригадалар» вужудга келган бир вақтда, Коммунистик партия ишлаб чиққан ва амалга ошираётган сиёсатнинг халқаро аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Совет Иттифоқи халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг таянчидир. Коммунистик партиянинг ташқи сиёсат соҳасидаги асосий ғамхўрлиги янги урушга йўл қўймасликдан, барча мамлакатлар блан тинч яшашдан иборат. Коммунистик партия ўзининг ташқи сиёсатида Ленининг икки система — социалистик ва капиталистик системаларнинг узоқ вақт бирга яшаши мумкин эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига таянади. Капитализм дун'ёсидаги урушдан манфаатдор бўлган империалист урушқоқлар социалистик давлатимизнинг тинчлик йўлидаги курашига тўсқинлик қилиш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатга раҳна солишга интилиб келдилар ва интилмоқдалар. Лекин халқларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муқаддас иродасига қарши чиққанларнинг шарманда бўлишлари турган гап.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашида СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов раҳбарлигидаги совет делегациясининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш йўлида олиб обрган саботли ва мардона кураши прогрессив инсониятни қойил қилди. Совет Иттифоқи делегациясининг тинчликни сақлашга қаратилган конкрет таклифлари тинчлик душманларини саросимага солиб қўйди. Бу кенгашда совет делегацияси илгари сурган таклифлар Совет Иттифоқининг тинчликни сақлашдан иборат ташқи сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Коммунистик партия бундан буён ҳам тинчлик сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб, халқлар учун муқаддас бўлган тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Шу блан бирга партиямиз реакцион империалистик кучлар борлигини, тинчликка таҳдид қилаётган кучлар мавжудлигини назарда тутиб, Ватанимиз хавфсизлигини та'минлаш учун Қуролли Кучларимизни доим мустаҳкамлаб боришни зарур деб ҳисоблайди.

☆

Совет халқи раҳбари ва йўлбошчиси Коммунистик партия етакчилигида ўз бахтли ҳаётини — социализм жамиятини қурди, жаҳонда мисли йўқ, фаровон социалистик тузумни барпо этди, Халқимиз ўзининг бахтли, гўзал ҳаётининг наш'асини тотмоқда, ўз жонажон партияси раҳбарлигида бахтли ҳаёт кечирмоқда, коммунизм сари олға бормоқда. Шунинг учун халқнинг ўз севимли партиясига ишончи, садоқати, муҳаббати чексиздир.

Халқимиз ўзининг жонажон Коммунистик партиясига садоқати ва муҳаббатини ҳамда партия блан бирдамлигини тарихий 14 март кунида — СССР Олий Советига сайлов қунида яна бир марта бутун дун'ёга намойиш қилади. Совет кишилари коммунистларнинг партиясиз ишчилар, деҳқонлар, интеллигентлар блан биргаликда кўрсатган кандидатлари учун якдиллик блан овоз бериб, партияга зўр ишончларини яна бир марта изҳор қиладилар.

Совет халқи партиямиз раҳбарлигида зўр ишонч блан коммунизм сари олға бормоқда. Мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси мавжуддир. Партия, ҳукумат ва халқнинг мустаҳкам бирлиги коммунизм ғалабасига эришувимизнинг энг муҳим гаровидир.

Р. СОҲИБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Юрак сирлари** (билетлар сотилган), 2/III **Бир севги афсонаси.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да кундуз **Борис Годунов**, кечқурун **Оққуш** қўли, 2/III да **Раққоса.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да кундуз **Олтин кўл**, кечқурун **Тоҳир** ва **Зуҳра.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28/II кундуз соат 3 да **«Ўзбек демократ шоири Муҳаммад Амин Муқимий»** деган темада мактаб ўқучилари учун **музикали лекторий.** Лектор — **Ҳамид Ғулом.** Ўзбекистон давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва солистлар қатнашади.

28/II кеч соат 8 да Ўзбекистон давлат филармонияси **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 28 февраль ва 1 мартда **йиртқич ҳайвонларни ўргатучи** биринчи рус артисти, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Н. П. Гладильщиков гастролнинг сўнгги кунлари.** Н. П. Гладильщиков **азамат бўғма илон блан.** Сальторталчи **жокейлар группаси** ва янги усулда от ўргатучи **Н. А. Никитин гастролларн.** Бугун, 28/II да 3 марта тамоша.

«РОДИНА» (кеч соат 8 ва 10 да), НАВОИЙ номли (кечқурун), «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 2 дан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги Француз бадиий фильми **Тақдир да'вати.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **Бой ила хизматчи,** кундуз соат 4 ва кеч 6 да **Разведкачининг жасорати.**

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз ва кечқурун **Валерий Чкалов.**

НАВОИЙ номли кинотеатр — эрталаб соат 10 ва 11 ярмида **Садко** (ўзбек тилида), кундуз соат 1 ва 3 да **Валерий Чкалов.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Ойга учиш.**

1954 йил 11 март кундуз соат 3 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 98-нчи уй, 45-нчи аудитория) қуйидаги ўртоқлар қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

1. **В. Л. Молчанов:** «Ўзбекистоннинг жанубида ламмикор узумчиликнинг жойланиши ва ривожланишидаги муҳим шартлар», деган темада. Расмий оппонентлар: қишлоқ хўжалик фанлари доктори профессор А. А. Рибаков ва география фанлари доктори профессор Л. Н. Бабушкин.

2. **Х. С. Юсупов:** «Хисор водисидаги узумчилик» деган темада. Расмий оппонентлар: қишлоқ хўжалик фанлари доктори профессор А. А. Рибаков ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати доцент С. В. Моталев.

Диссертациялар блан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 32-нчи уй).

Тегирмон ва элеватор машиналари заводига
капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи вазифасига **қурилиш инженери,** конструктор, технолог вазифаларига **инженерлар,** 5—6 разрядли **токарьлар, юкчилар, цехларга ёрдамчи ишчилар**
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Островная кўча, 9-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (3-нчи трамвайнинг «Ассакинская» остановкаси). Телефон — 35-442.

Калинин район, Молотов қишлоқ советидаги Генерал Раҳимов номли колхозда туручи **Ҳакимжон Дадабоевнинг** шу колхозда туручи Тўхта Дадабоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА“
НОМЛИ ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
обуна қабул қилиш давом этмоқда
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать» шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.
Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

Махсус республика торги
«ЎЗБЕКОДЕЖДА»ГА
якка заказ блан кийим тикучи ишхоналарда ва уйда ишлаш учун: юқори малакали, камида 7 разрядли **тикучилар; тикучи аёллар, аёллар устки кийимини бичучилар, гул тикучилар**
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, 9 Январь кўчаси, 110-нчи уй. Телефон—32-204.

РЕДАКЦИЯ В